

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Термиз давлат университети

Этика, эстетика за дин тарихи кафедраси

ЭТИКА, ЭСТЕТИКА, ЛОГИКА ВА ДИНШУНОСЛИК КУРСЛАРИ ЎҚУВ-ИШЧИ ДАСТУРЛАРИ

Термиз-2000

Этика, эстетика, логика ва диншунослик асослари курс-лари бўйича ушбу ўқув-ишчи дастурлари Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томони-дан тасдиқланган намунавий ўқув режаларига мувофиқтарз-да ишлаб чиқилган. Ўқув соатлари сони Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида тегишли курсларни ўқитишга мўлжалланган соатлар сеткасига мос келади. Дастурларни тузишда курслар бўйича шу чоққача мавжуд бўлган бошқа дастурлар, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалардан фой-даланилди. Уларда Ўзбекистонда фалсафий-назарий фикр-ракқиётининг хусусиятлари, шунингдек муаллифларнинг олий ўқув юртларида тегишли курсларни ўқитиш борасида-ги кўп йиллик иш тажрибалари ҳисобга олинди. Дастурларга ҳар бир курс бўйича адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Ўқув-ишчи дастурлари Термиз давлат университети ўқитувчилари ва тадабаларига мўлжалланган. Аммо улардан бошқа олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари ҳам фойдаV ланишлари мумкин. Ўқув-ишчи дастурлари Термиз давлат университети эти(са, эстетика вадин тарихи кафедраси мажлисида /19.01.2000, 1-рор №7/ муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

фалсафа фанлари доктори, профессор Ш.Б. САМАТОВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент Н. ОРИПОВ.

ЭТИКА
ЭТИКА КУРСНИНГ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ.

№. 1	Тарн Мавзулар номп	Ўқув соатл: ри сони			
		Кундузги бўлимда		Сиртқп бўлимда	
		иабруза	сепмнар	мабруза	семинар
1.	Этиканинг гредмети ва вазифалари	2	-	2	
2.	Ахлоқнинг моҳияти, туял-лншн ва функциялари	2	-	2	-
3.	Ахлоқнинг вужудга келгшш ва тарихип тараққнети	2	-	-	-
4.	Ахлоқпринпплари ва нормаларп	4	2	2	-
5.1	Этиканингасосий катего-риялари	4	2	4	-
6.	Касб-хунар этикаси ва хпзмат-ши муносабатларп нормалари	2			
7.	Нпкоҳ ва оиланннг ахлоқий асослари	2	-	-	
X.	Ахлоқий тарбия ва шахснинг ўч-ўшнн такомпллаштириши	2	-	-	~
	Жамн	20	4	10	-

1-мавзу. ЭТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Этика ахлоқтўғрисидаги фалсафий фандир. "Этика", "ах-лоқ", "хулқ-атвор" тушунчалари, уларнинг бир-бири билан алоқаси ва фарқли томонлари. Этика фанининг ҳозирги кун-даги долзарб муаммолари ва вазифалари. Этиканингфан си-фатида турли соҳалари, ахлоқни комплекс ўрганишда улар-нинг аҳамияти.

Этикавий тадқиқотларнинг асосий методлари: илмийлик, объективлик, ҳаёт, практика билан узвий алоқадорлик, тари-хийлик ва мантиқийлик бирлиги. Этикада бошқа фанлар /пси-хология, социал психология, логика, кибернетика, семиоти-ка, информация назарияси ва бошқалар/ методларининг қўлла-нилиши. Этикада конкрет-социологиктадқиқотлар.

Этиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси. Этика ва философия. Этиканинг фалсафий фанлар системасидаги ўрни. Этика ва социология. Этика ва тарих фанлари. Этика ва икти-сод фанларй. Этика ва эстетика. Этика ва психология. Этика ва педагогика. Этика тараққиётининг асосий босқичлари ва йўналишлари.

2-мавзу. АХЛОҚНИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Ахлоқнинг моҳияти. Ахлоқнинг илмий таърифи. Ахлоқ— ижтимоий онгнинг махсус шакли ва идеология кўриниши, ижтимоий борликни, ижтимоий-иктисодий базисни акс эт-тирадиган мураккаб устқурма хрдисаси, жамиятни бошқариш ва кишилар хулқ-атворига нормалар, принциплар ва қоида-лар системаси орқали таъсир этиш учун хизмат қиладиган институтсифатида. Ахлоқдунёни маънавий-амалийўзлашти-риш усули, маънавий ишлаб чиқариш кўриниши сифатида. Ахлоқ ижтимоий-тарихий практика шакли сифатида. Ахлоқ-нинг жамият ўзгариши ва тараққиёти билан бирга ўзгариб ва тараққий этиб бориши. Ахлоқда умуминсоний қадриятлар. Ах-лоқнинг актив, нисбий мустақиллик характери.

Ахлоқнинг таркиби: ахлоқий онг, ахлоқий муносабатлар, ахлоқий практика. Ахлоқий онг ва унинг императив характе-ри. Ахлоқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари. Ахлоқий онг шакллари: ахлоқий нормалар, ахлоқий маросимлар, хулқ-лар, ахлоқий одатлар, ахлоқий традициялар, ахлоқий ҳис-туйғу, ахлоқий эътиқод, ахлоқий сифатлар, ахлоқий қараш-лар, ахлоқий идеал, ахлоқий баҳо /ҳукм/. Ахлоқий муноса-батлар ва уларнинг бошқа ижтимоий муносабатлардан фарқ-ли хусусиятлари. Ахлоқий муносабатларнинг таркиби: ахло-қий муносабат субъектлари, уларга воситачилик қилувчи ахлоқ нормалари, ахлоқий муносабатларни объективлашти-риш шакли бўлган ҳатти-ҳаракатлар. Хулқ ва ҳатти-ҳаракат. Ҳатти-ҳаракатларнинг таркиби: гоя /мақсад/, ҳаракат, на-тижа, Ҳатти-ҳаракатлар ахлоқийлигини белгиловчи омиллар. Ахлоқий зиддиятлар ва

уларни ҳал қилиш усуллари. Ахлоқий практика—ахлоқий онг ва ахлоқий муносабатларнинг бево-сита амал қилиш шакли.

• Ахлоқнинг функциялари. Инъикос этиш функцияси. Ах-лоқборликни акс эттириш шаклидир. Ахлоқий билим ва унинг хусусиятлари. Регулятив функция. Ахлоқтомонидан шахслар ва жамият. шахс ва коллектив. шунингдек айрим кишилар манфаатларини тартибга солиб бир-бирига мувофиқлаштириш, уларни бошқариб туриш. Турли жамиятларда ахлоқ регулятив функциясининг ўзига хос хусусиятлари. Ваҳолан функцияси. Ахлоқ нормалари ва принциплари орқали Хулқ-атворларга баҳо бериш. Ижтимоий фикр ва ахлоқий баҳо. Ахлоқий баҳонинг хусусиятлари. Ахлоқий баҳо орқали маъқуллаш, қоралаш, мақ-таш ва танқид қилиш. Ўз-ўзига баҳо бериш ва унинг шахс ўзлигини аниқлаб олишдаги аҳамияти. Тарбиявий функция. Ахлоқ нормалари ва принципларининг амрийлик, намуна-вий ва яхши ҳатти-ҳаракатларга йўналтирувчилик хусусиятлари. Ахлоқий эътиқод. Тарбия ва ўз-ўзини тарбия.

3-мавзу. АХЛОҚНИНГ ВУЖУДГ Д КЕЛИШИ ВА ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЙТИ

Ахлоқнинг моҳияти ва келиб чиқиши тўғрисидаги асосий назариялар. Ахлоқни одамнинг "ҳайвоний" табиатидан кел-тириб чиқаришга уринишларнинг асосизлиги. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиёти тўғрисидаги меҳнат назарияси. Ҳозирги замон археологияси, антропологияси, этнографияси ва маданияттарихининг ахлоқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлари. Инсониятжамиятини ва кишилар хулқ-атворларини бошқаришнинг илк шакллари. Турли жамиятларда ахлоқтараққиётининг тарихий типлари.

Ахлоқин прогресс, унинг объектив Мезони. Ахлоқ тари-хий тараққиётининг зиддиятли характери. Ўзбекистонда ах-лоқий қадриятлар ва урф-одатларнинг тикланиши ва янада ривожлантирилиши. Бозор иқтисодий муносабатлари ва ахлоқий плюрализм, уларнинг зиддиятли Характери. Инсониятнинг ахлоқий истиқболи.

4-мавзу. АХЛОҚ ПРИНЦИПЛАРИ ВА НОРМАЛАРИ

Ахлоқпринциплари тушунчаси. Ахлоқ принципларининг объектив мазмуни, улардаги субъектив томон. Ахлоқ прин-ципларидаги умумийлик, хусусийлик ва Яккалик бирлиги.

Ватанпарварлик ахлоқий принцип сифатида. Ватанпарвар-лик тушунчасининг конкрет-тарихий характери. Космополитизм ва шовинизмни танқид. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ватанпарварлик тарбияси.

Интернационализм — ахлоқий принцип. Интернациона-лизмнинг тарихий типлари, уларнинг конкрет-тарихий маз-муни. Интернационализмнинг миллатчилик, шовинизм ва ирқ-чиликка зидлиги. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва интернационализм тарбияси.

Меҳнат ва мулкка ахлоқий муносабат. Меҳнатнинг жами-ят тараққиётидаги, шахс жисмоний ва маънавий ривожиданги роли. Турли жамиятларда меҳнатнинг турлича ўрин тути-ши ва унга бўлган ахлоқий муносабатнинг ўзгариб бориши. Мулкнинг тарихий шакллари ва уларга нисбатан ахлоқий муносабатларнинг ўзгариб бориши. Бозор иқтисоди ва мулкчи-лик муносабатлари.

Коллективизм, унинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий аҳамияти. Тарихда коллектив типлари ва уларга нисбатан ахлоқий муносабатларнинг ўзгариб бориши. Худбинлик /эгоизм/ ва индивидуализм /шахсиятпарастлик/ни танқид.

Гуманизм /инсонпарварлик/ ахлоқ принципи сифатида. Гуманизмнинг тарихий шакллари, уларнинг конкрет-тари-хий мазмуни. Миллатчидик, шовинизм, ирқчилик, фашизм, безорилик, зўрликнинг гуманизмга зидлиги.

Сўз ва иш бирлиги ахлоқий принцип сифатида.

Ахлоқ нормалари тушунчаси. Ахлоқ нормалари ва ахлоқ принципларининг умумий ва фарқли томонлари. Шахснинг кадр-қиммат мўлжаллари ва ахлоқий сифатлари қанда ахлоқ нормалари. Хушмуомалалик ва одоблилик, уларнинг қўпол-лик ва одобсизликка зидлиги. Ростгўйлик ва қалоллик. Ҳақ-гўйлик ва очикчалик. Уларнинг ёлғончиликка, қабиқликка, номардликка, сурбетликка зидлиги. Вазият

тақозоси билан баъзан ёлғон ва яширинликнинг ижобий ақамияти. Ростгўй-лик ва қалолликка конкрет-тарихий назардан ёндашиш ло-зимлиги. Принципиаллик— ахлоқий қатъият. Қатъиятлилиқ ва қатъиятсизлик /бебурдлиқ/. Қатъият ва жасурлик. Қатъият-сизлик ва қўрқоқлик. Қатъиятлилиқ ва онглилик, эътиқод, талабчанлик. Талабчанликни турлича тушуниш. Оддийлик ва камтарлик. Оддийлик ва камтарликда ахлоқий мезон ва меъ-ёр. Оддийликнинг ортиқча дабдабозлиқка, сунъийлиқка, камтарликнинг мақтанчоқлик, фикс-фасод, димоғдорлиқка, кеккайиш, хушомадгўйлик, худбинлиқка зидлиги. Оддийлик

ва камтарликнинг ношудлик, аскетизм, мешчанлик билан алоқаси йўқлиги. Сиполик, илтифот, мулойимлик, эҳтиром, очикчеҳралик, вазминлик. Манера ва такт. Ахлоқ принцип-лари ва нормаларининг тарбиявий аҳамияти.

5-мавзу. ЭТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Этик категориялар тушунчаси. Этика категориялари сил-силаси ва уларнинг таснифи. Ахлоқий қадриятлар ва этика категорияларининг принципиал жиҳатдан бирлиги ва фарқ-лари. Этика категорияларининг умумий хусусиятлари.

Яхшилик ва ёмонлик. Яхшилик ва моддий ҳамда маъна-вий ноз-неъматлар, ижобий хислатлар. Ёмонлик ва салбий хислатлар /қусурлар/. Яхшилик ва ёмонлик диалектикаси. Яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларнинг тарихий ўзгарувчанлиги. Ёмонликнинг тарихдаги ижобий аҳамияти. Яхшилик ва ёмонлик масаласини конкрет-тарихий нуқтаи назардан талқин қилиш лозимлиги. Яхшилик ва ёмонлик-нинг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти.

Адолатлилик. Бутушунчанингуқуқий-сиёсий ва ахлоқий томонлари. Адолатлиликнинг этик категория сифатидаги хусусиятлари, турли жамиятларда адолатлилик тўғрисидаги тасаввурларнинг конкрет-тарихий мазмуни. Адолатлиликнинг яхшилик ва ёмонлик билан ўзаро алоқаси. Адолатсизликка қарши курашнинг ахлоқий аҳамияти.

Бурч. Турли жамиятларда бурчни турлича тушуниш ва тал-қин қилиш. Бурч ва адолатлилик. Ахлоқий бурчнинг асосий кўринишлари. Бурчнинг жамият ҳаётидаги ва инсон тарбия-сидаги аҳамияти.

Виждон. Виждонийлик ва виждонсизлик тўғрисидаги та-саввурларнинг турлича эканлиги. Виждоннинг жамият тарақ-қиети ва инсон камолотидаги аҳамияти. Виждонсизлик ҳолат-ларига қарши кураш—ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси.

Ор-номус /шаън/ ва қадр-қиммат, уларнинг умумий ва фарқли томонлари. Ор-номус ва қадр-қимматнинг турли жа-мнатларда турлича талқин этилиши. Ор-номус ва қадр-қим-матнинг виждон билан ўзаро алоқаси. Ор-номуснинг турли кўринишлари: шахсий номус, ижтимоий номус, касб-хунар шаъни, ишчилик шаъни, хизмат шаъни, оила шаъни, қиз-лик номуси ва ҳ.к. Орлилик ва орсизлик. Номус ва номуссиз-

лик, уларнинг ўзаро зидлиги. Ҳақиқий ва сохта, муносиб ва номуносиб кадр-қимматлар. Кадр-қимматнинг объектив ме-зони. Бошқалар ва ўз-ўзининг кадрига етиш. Шахснинг маъ-навий-ахлоқий жиҳатдан бузилиши, кадр-қимматини йўқотиб қўйиши ҳоллари ва сабаблари.

Ҳаёт мазмуни. Яшашдан мақсад ва ҳаёт мазмуни. Ҳаёт маз-муни ва ҳаёт тарзи тушунчалари, уларнинг тарихий типлари. Ахлоқий мақсадлар ва идеал. Яшаш учун ейдиларми ёки ейиш учун яшайдиларми? Ҳаёт мазмунини эгоистик, комформистик, мешчанларча ва қўпол истеъмолчилик нуқтаи назардан тушунишларни танқид. Маъноли ва маъносиз ҳаёт. Инсон умрининг боқийлиги муаммоси. Яшаш ва ўлим масалалари. Ҳаёт мазмуни тушунчасининг бурч, ор-номус ва кадр-қимматтушунчалари билан ўзаро алоқаси. Ҳаёт мазмуни катего-риясининг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти.

Бахт. Турли жамиятлар ва ижтимоий гуруҳларнинг бахт тўғрисидаги тасаввурларининг турличалиги. Бахтнинг объектив ва субъективтомонлари, мезони. Бахт ва бахтсизлик. Бахт ва омад. Ҳақиқий ва сохта бахт. Бахт тушунчасининг бурч, виждон, ор-номус ва кадр-қиммат, ҳаёт мазмуни тушунчалари билан ўзаро алоқаси.

Муҳаббат этик категория сифатида. Муҳаббат ва дўстлик. Муҳаббат ва севги. Муҳаббат ва бахт. Муҳаббат ва севгининг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти.

6-мавзу. КАСБ-ҲУНАР ЭТИКАСИ ВА ХИЗМАТ-ИШ МУНОСАБАТЛАРИ НОРМАЛАРИ

Касб ахлоқи ва профессионал этика тушунчалари. Про-фессинал этиканинг асосий соҳалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогик этика ва унда ёш авлодга таълим-тарбия бериш меҳнатининг муҳимлиги, махсус ижтимоий аҳамияти ва ахлоқий мазмунининг ифодаланиши. Педагогик этика асослари: болаларга нисбатан меҳр-муҳаббат, уларнинг инсоний кадр-қимматларини ҳурмат қилиш, таълим ва тар-бия, таълим ва ахлоқ бирлиги. Таълим бериш, тарбиялаш ва меҳнаттаълимнинг ўзаро алоқаси. Олим касби ахлоқининг асослари. Илмий фидойилик, юксак ғоявийлик ва ахлоқий-лик, халқ манфатлари учун хизмат қилиш. Олим касби ахло-қининг догматизм, қироатхонлик, принципсизлик, мансаб-парастлик, плагиатрлик /кўчирмачилик, бировларнинг асар-ларини ўғирлаб олиш/ ва ҳ.к. билан чиқиша олмаслиги. Врач

этикаси. "Гиппократ қасамёди" ва ҳозирги замон врач этика-си мазмуни. Врачларда ўз касбига нисбатан севги ва ғурур, ундан фахрланиш ҳисларини тарбиялаш. Инженер этикаси ва фан-техника революцияси даврида унинг аҳамиятининг ошиши. Инсон ватехниканинг ўзаро муносабатлари. Ҳозир-ги замон моддий ишлаб чиқариши тақозо этадиган ахлоқий-психологик муаммоларни ишлаб чиқиш йўллари ва турли мутахассисликлар бўйича инженерлар касби ахлоқи кодекс-лари. Ҳарбий этика, театр /санъаткор/, ёзувчи, журналист, спортчи ва ҳ.к. этикаси асослари.

Хизмат муносабатлари ва ишчанлик фаоллигининг ахлоқий асослари. Коллективдаги ахлоқий-психологик иқлим. Ахлоқий конфликтлар ва уларни ҳал қилиш йўллари.

7-мавзу. НИКОҲ ВА ОИЛАНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

Оила ва никоҳнинг вужудга келиши ҳамдатарихий тараққиёти. Оила ва никоҳнинг тарихий шакллари.

Никоҳнинг ахлоқий асослари: ўзаро севги, ҳурмат, бир-бирига ёрдам бериш, бир-бирини тушуниш, ўзаро бахт ва болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик. Севгининг табиий ва ижтимоий асослари.

Севги ҳиссининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёти. Севги ва никоҳ. Севгини турлича тушунишлар. Оилавий бурч ва оилавий вазифалар. Оила қуриш учун балоғатга етиш. Оила-, 'нинг функциялари.

Оилада ахлоқий муҳит. Мустаҳкам, бахтли оила қуриш-нинг асосий омиллари ва шарт-шароитлари. Бахтли ва бахт-сиз оилалар. Оиладаги жанжаллар ва ахлоқий зиддиятлар. Рашк ва унинг кўринишлари. Оила бузилиши ва ажралишларнинг асосий сабаблари.

8-мавзу. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИ

Ахлоқий тарбиянинг моҳияти ва вазифалари.

Ахлоқий тарбиянинг принцип ва методлари. Тарбиянинг ком-плекс характери, унинг ҳаёт, амалиёт билан узвий алоқаси, на-зария ва практика бирлиги. Ахлоқий ҳис-туйғулар ва эътиқод, ахлоқий билимлар ва дунёқараш бирлиги. Эътиқод/ишонтириш/ ва мажбур қилиш (жазолаш) методлари, уларнинг нисбати.

Ахлоқий тарбиянинг омиллари ва воситалари (меҳнат, табиат, турмуш, оила, ўқиш, меҳнат жамоалари, санъат, фан, матбуот, радио, телевидение ва ҳ.к.).

Шахснинг ахлоқий такомиллашувида ўз-ўзини тарбиялаш ва назорат қилишнинг аҳамияти. Шахсий намуна (ибрат) кўсатиш. Танқид ва ўз-ўзини танқид. Шахсий назорат.

АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997.

Авеста. Душанбе, 1990.

Ахлоқ ва одобга оид ҳадислар (Х. Ҳикматуллаев, А. Ман-суров таржимаси). Тошкент, 1990.

Аҳмад Яссавий. Хикматлар (Сўз боши ва нашрга тайёр-ловчи И. Ҳаққулов) Тошкент, 1993.

Донишмандлар одоб-ахлоқ ҳақида. Тошкент, 1986.

Жумабоев Й. Ўрта Осиё этикатарихи очерклари. Тошкент, 1980.

Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. Тошкент, 1963.

Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Адаб ол-мудраф (Адабдур-доналари. Ш. Бобохоновтаржимаси). Тошкент, 1990:

Маҳкамов У. Одоб-ахлоқсабоқлари. Тошкент, 1994.

Навоий А. Маҳбубул кулуб. Асарлар, 15 томлик. X т. Тош-кент, 1970.

Саъдий. Гулистон. Тошкент, 1968.

Усмонов М. Одобнома. Тошкент, 1991.

Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тар-бия ҳақида. Тошкент, 1967.

Шайхова Х. Хулқ-одоб—маънавиятимиз калити. Тошкент, 1994.

Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. Тошкент, 1993.

Югнакий А. Ҳибатул ҳақойиқ (К. Маҳмудов таржимаси). Тошкент, 1991.

ТУЗУВЧИЛАР:

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Н. БЕРДИЕВ, фалсафа фанлари номзоди,

доцент Я. АЛИМОВ, катта ўқитувчи

П. САФАРҲОЖИЕВ, ўқитувчи О. ХЎЖАНОВА

ЭСТЕТИКА ЭСТЕТИКА КУРСИНИНГ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

Тартиб №	Мавзулар номи	Ўқув соатлари сони			
		Кундузги бўлимда		Сиртки бўлимда	
		маъруза	семинар	маъруза	семинар
1.	Эстетиканинг предмети ва вазифалари	2	-	2	-
2.	Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати	2	-	1	-
3.	Эстетик фаолият ва унинг намоён бўлиш сохалари	2	-	-	-
4.	Эстетик онг	2	-	2	-
5.	Эстетиканинг асосий категориялари	4	2	2	-
6.	Санъат, унинг моҳияти ва функциялари	2	-	2	-
7.	Санъатда мазмун ва шакл /мустақил ўрганиш учун/	-	-	-	-
8.	Санъатда ижодий метод ва услуб /мустақил ўрганиш учун/	-	-	-	-
9.	Санъат турлари	4	2	2	-
10.	Эстетик тарбим /мустақил ўрганиш учун/	-	-	-	-
Жами		18	4	10	-

1-мавзу. ЭСТЕТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

"Эстетика" термини. Ижтимоий-тарихий практика жараёнида эстетика предметининг ўзгариб бориши. Эстетикага бўлган асосий қарашлар: 1/ ҳиссий билиш қонунлари тўғри-сисдаги фан, 2/ гўзаллик қонунлари тўғрисидаги фан ёки "гўзаллик философияси", 3/бадий ижод қонунлари тўғри-сидаги фан ёки "санъатфилософияси". Бу қарашларнинг тўғри томонлари ва тарихан чекланганлиги.

Ҳозирги замон эстетика фанининг предмети. Эстетика— инсоннинг воқеликка эстетик муносабати, эстетик фаолият, эстетик онг ва санъатнинг умумий қонуниятлари тўғрисида-ги фалсафий фан. Эстетиканинг вазифалари ва уни ўрганиш-

нинг аҳамияти. Эстетиканинг турли соҳалари ва қисмлари. Эстетик тадқиқотнинг асосий методлари ва принциплари.

Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси. Эстетика ва философия. Фалсафий фанлар силсиласида эстетиканинг ўрни ва унинг нисбий мустақиллик характери. Эстетика ва математика. табиатшунослик, техника фанлари. Эстетика ва социология. Эстетика ва тарих фанлари. Эстетика ва педагогика. Эстетика ва психология. Эстетика ва этика. Эстетика ва санъатшунослик. Эстетика санъатшунослик, адабиётшунослик, адабий-бадиий танқид, техник эстетика, эстетиктарбия назариясининг умумназарий ва методологик асосидир.

2-мавзу. ИНСОННИНГ ВОҚЕЛИККА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТИ

Эстетик муносабат тушунчасининг моҳияти ва мазмуни. Муносабат тушунчаси. Инсоний, ижтимоий муносабатлар ва улар таркибида эстетик муносабатнинг ўрни. Эстетик муносабатнинг ижтимоий моҳияти. Эстетик муносабатнинг таркиби: эстетик объект ва эстетик субъект. Эстетик муносабатнинг объектив асослари: эстетик хоссалар, сифатлар, эстетик эҳтиёжлар, эстетик қадриятлар. Эстетик қадриятларнинг гуруҳлари. Дунё ва одамнинг "инсонийлашиш"и воқеликка эстетик муносабат ва эстетик қадриятлар вужудга келиши жараёни эканлиги. Эстетик объектлар типлари. Эстетик субъект тушунчаси. Эстетик субъектнинг ижтимоий-тарихий шарт-ланганлиги.

Эстетик муносабат диалектикаси. Эстетик объект ва эстетик субъектнинг узвий бирлиги, ўзаро алоқалари ва таъсирла-ри. Эстетик субъектнинг актив ўзгартирувчилик, акс таъсир кўрсатувчилик фаолияти. Эстетик субъект тараққиётида нисбий мустақиллик хусусияти, меросийлик /ворислик/ қонуни.

Эстетик муносабатнинг хусусиятлари. Эстетик вазият ва унинг ўзига хос зиддиятли /парадоксал/ хусусиятлари. Эстетик муносабатнинг ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари билан узвий алоқадорлиги ва улардан фарқли хусусиятлари.

Эстетик муносабат вужудга келиши ва тараққиёти. Бу жараёнда ижтимоий-тарихий практика, меҳнатнинг роли.

3-мавзу. ЭСТЕТИК ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ СОҲАЛАРИ

Эстетик фаолиятнинг моҳияти. Эстетик фаолиятнинг инсон фаолиятининг бошқа турлари билан ўзаро алоқаси ва хусуси-ятлари. Эстетик фаолиятнинг қонунлари /мақсадга мувофиқ-лик, меъёр, мазмун ва шакл бирлиги ва ҳ.к./ Ижтимоий-тари-хий парактика, меҳнат—эстетик фаолиятнинг асоси ва мезони.

Эстетик фаолият намоён бўлишининг асосий соҳалари. Ижтимоий ҳаёт моддий муҳитининг турли соҳаларида /та-бiiй, ишлаб чиқариш', ижтимоий, маиший/ эстетик фао-лият намоён бўлишининг хусусиятлари. Моддий муҳитни эстетик жиҳатдан ташкил этиш. Моддий ва маънавий мада-ниятлар бирлиги. Табиат эстетик қадрият ва эстетик фаолият объекти сифатида. Табиатни билиш, кўриқлаш ва ўзгарти-ришнинг эстетик аҳамияти. Табиатни эстетик баҳолашнинг тараққиёти, унинг объектив мезонлари. Табиат ва эстетик тарбия. Табиат гўзаллиги ва меҳнаткашларнингдам олишла-ри. Инсон ҳаёт фаолиятининг моддий муҳитида эстетик фао-лиятнинг ўзига хос хусусиятлари. Моддий муҳитни ташкил этишнинг вазибалари ва қонуниятлари. Моддий ишлаб чи-қаришда эстетик фаолият. Меҳнат эстетик қадриятлар ман-баси ҳамда эстетик қадрият эканлиги. Меҳнатни ташкил этиш ижтимоий шакллариининг унинг характериға ва эстетик ху-сусиятларининг тўлиқ намоён бўлишиға таъсири. Меҳнатнинг тарихий характери ва унинг эстетик моҳияти намоён 6 ши диалектикаси. Фан-техника прогресси ва ишлаб чиқариш соҳасида эстетик ижодкорлик. Утилитарлик ва эстетиклик. Фойда ва гўзаллик. Функционализм ва формализмни танқид. Бадий конструкциялаштириш ва лойиҳалаштиришнинг принциплари. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши таркибида ди-зайнеркинг ўрни. Бадий конструкциялаштиришнинг ишлаб чиқариш қуроллари ва истеъмол буюмларини такомиллаш-тиришдэги, саноат маҳсулоти сифати ва ассортиментини оши-ришдаги роли. Техник эстетика ва меҳнатни илмий ташкил эткш. Техник эстетиканинг техникани инсонийлаштириш-даги, ишлаб **чиқариш** самарадорлиги ва сифатини ошириш-даги, меҳнаткашларни эстетик тарбиялашдаги роли. Ижти-моий муҳитнинг эстетик жиҳатлари. Ижтимоий ландшафт. Бадий конструкциялаштириш, архитектура ва санъатни

уйғунлаштириш муаммоси. Турар-жой майдонини эстетик ■ ўзлаштириш. Шахар ва қишлоққурилиши. Жамоатбинолари, коммуникациялар /кўчалар, майдонлар, йўллар/. дам олиш зоналарининг эстетик ифодалилиги. Кўргазмали тарғибот воситаларига нисбатан эстетик талаблар. Маиший фазони эсте-тик шаклантириш. Нарсанинг истеъмол ва эстетик сифат-лари. Турар-жой бинолари интерьерни гўзаллиги. Кийим-ке-чаклар, безак буюмларининг эстетик аҳамияти. Гўзаллик ва мода. Ашёвий-маиший муҳит услуби ва унда жамият эстетик фаолияти. Ижтимоий муносабатлар ва кишилар хулқ-атвор-ларининг эстетик характери. Турмуш тарзининг эстетик аҳами-яти. Инсоннинг ахлоқий гўзаллиги. Байрамлар, турли маро-симлар ва урф-одатларнинг эстетик хусусиятлари. Жисмоний тарбия, спорт, ўйинлар, туризмнинг эстетик асослари. Жа-мият маънавий ҳаётининг турли соҳаларидаги эстетиклик. Илмий ижод ва эстетик фаолият. Ҳақиқат ва гўзаллик. Бади-ий фаолият—эстетик фаолиятнинг махсус шакли. Эстетик фа-олиятнинг бошқариш, педагогик-тарбиявий ва бошқа шакл-ларидаги эстетик асослар.

4-мавзу. ЭСТЕТИК ОНГ

Эстетик онгнинг моҳияти. Эстетик онгнинг ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан ўзаро алоқаси ва хусусият-лари. Эстетик онгнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни.

Эстетик онг вужудга келиши ва тараққиётининг қонуни-ятлари. Эстетик онгнинг тарихий характери, унинг ижтимо-ий борлиқ томонидан белгиланиши. Ибтидоий одам онги-нинг синкретик /яхлит, бўлинмас/ характери ва унда эсте-тик онг куртакларининг мавх<удлиги: Ижтимоий онгнинг та-комиллашуви ва тармоқларга бўлиниши ҳамда эстетик онг-нинг унинг махсус шакли сифатида ажралиб чиқиши.

Эстетик онгнинг таркиби. Эстетик онгда ижтимоийлик ва индивидуаллик. Эстетик онг даражалари: психологик /кун-далиқ, маиший/ ва назарий, уларнинг ўзаро алоқаси ва ху-сусиятлари. "Эстетик онг шакллари" тушунчаси.

Эстетик онг шакллари. Эстетик ҳис /туйғу/. Эстетик ҳис-нинг объектив ва субъектив асослари. Эстетик ҳисдаги ижти-, мой ва индивидуал жиҳатлар. Эстетик ҳиснинг асосий тур-лари. Эстетик дид /завк/. Эстетик диднинг эстетик ҳис билан ўзаро алоқаси ва ундан фарқлари. Эстетик дидда объектив ва

, субъектив томонлар. Эстетик диднинг шарт-шароитлари. Эсте-тик диднинг ижтимоий муносабатлар, дунёқараш, бадий прак-тика, шахснинг ўз тажрибаси томонидац белгиланиши. Эсте-тик диднинг турли кўринишлари. Дидлар тўғрисида баҳслашиш зарурлиги. Эстетик диднинг ҳаққонийлиги масаласи, унинг объектив мезони. Дидсизлик, формализм, мешчанликка қар-ши кураш ва яхши эстетик дидни шаклантириш вазифала-ри. Эстетик баҳо /ҳукм/. Эстетик баҳонинг эстетик дид билан ўзаро алоқаси ва фарқли хусусиятлари. Эстетик баҳонинг хил-ма-хиллиги. Эстетик баҳонинг ҳаққонийлик мезони. Тўғри эстетик баҳоларни тарбиялашда эстетика асосларини ўрганиш ва билишнинг аҳамияти. Бадий танқид ҳаракатдаги эстетика /В.Г. Белинский/ сифатида ва эстетик баҳо. Эстетик баҳо ва санъат. Эстетик идеал /тасаввур/. Эстетик идеалнинг ижти-мой идеалнинг бошқа турлари билан алоқаси, унинг хусу-сиятлари. Эстетик идеалда мутлокдик ва нисбийлик, зару-рийлик ва мавжудлик, идеаллик ва реаллик нисбати. Эстетик идеалнинг жамият ва инсон ҳаётидаги, санъатдаги, эстетик тарбиядаги аҳамияти. Эстетик қарашлар. Эстетик қарашлар-нинг эстетик онгнинг бошқа шакллари билан алоқаси ва ху-сусиятлари. Эстетик қарашларнинг объектив асослари ва улар субъектив намоён бўлишинингхилма-хиллиги. Эстетик қараш-лардаги эмпирик ва назарий жиҳатлар. Санъаткор дунёқара-шида эстетик қарашларнинг ўрни ва роли. Эстетик назария-лар. Эстетик назарияларнинг асосий хиллари. Эстетик наза-рияларда фалсафий силсила ва методология мйсалалари. Эс-тетик таълимот /фан/. Эстетик таълимот—эстетик онгнинг олий даражадаги назарий шакли. Эстетик таълимотнинг эс-тетик назария ва қарашлар билан алоқаси. Эстетик категори-ялар, принципдар ва қонунлар. Санъат эстетик онгнинг мах-сус шаклидир.

6-мавзу. ЭСТЕТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Эстетик категориялар тушунчаси. Эстетик категориялар-нинг эстетика назарий аппаратидаги, жамият эстетик мада-ниятидаги ўрни. Эстетик категориялар таснифи. Эстетик ка-тегориялар шаклланиши ва эстетика тушунчалари аппарати бойиб боришининг асосий йўллари. Эстетик категориялар-

нинг умумий хусусиятлари.

Эстетиклик. Эстетиклик тўғрисидаги асосий концепциялар, уларнинг тарихий-танқидий таҳлили. Эстетиклик тушунчаси-нинг илмий таърифи. Эстетикликнинг таркиби. Эстетиклик-нинг диалектикаси. Эстетиклик эстетиканинг марказий, кенг қамровли, энг катта категорияси /метакатегория/ сифатида. Эстетиклик тушунчасининг эстетик билимлар ва тушунчалар аппарати шаклланиши'ва система қосил қилинишидаги аҳами-яти. Эстетикликнинг эстетиканинг бошқа категориялари би-лан нисбати.

Гўзаллик. Гўзаллик тўғрисидаги асосий назариялар. Гўзал-ликнинг турли кўринишлари. Гўзаллик диалектикаси. Гўзал-' ликнинг асосий томонлари: объективлик ва субъективлик, табиийлик ва ижтимоийлик, моддийлик ва маънавийлик, ҳис-сийлик ва ақлийлик, ички ва ташқи, мазмун ва шакл ва қ. к. Гўзалликнинг бошқа қадриятлар билан ўзаро алоқаси ва хусу-сиятлари. Гўзаллик ва фойда, гўзаллик ва яхшилик/неъмат/, гўзаллик ва ҳақиқат, гўзаллик ва озодлик, гўзаллик ва ижод. Гўзаллик намоён бўлишининг асосий соҳалари /табиат, ижтимоий муносабатлар, инсон фаолияти/ ва уларнинг хусусият-лари. Гўзалликнинг қонуниятлари: меъёр, яхлитлик, уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, мазмун ва шакл бирлиги. Гўзалликнинг махсус эстетик қадрият сифатидаги хусусиятлари. Гўзалликнинг жамият, инсон ҳаётидаги, эстетик тарбиядаги аҳамияти.

Хунуклик. Гўзаллик ва хунукликнинг ўзаро алоқаси. Ху-нукликнинг салбий эстетик қадрият сифатидаги хусусиятла-ри. Хунукликдаги объектив ва субъектив томонлар. Хунуклик намоён бўлишининг асосий соҳалари Гуларнинг хусусиятла-ри. Санъатда хунуклик ифодаланиши ва эстетик баҳосининг шакллари. Санъатда хунукликни эстетиклаштиришга уриниш-ларнинг асосизлиги. Хунуклик категориясининг эстетик тар-биядаги аҳамияти.

Улуғворлик/юксаклик, буюклик/. Улуғворлик тўғрисида-ги асосий назариялар. Улуғворликнинг гўзаллик билан ўхшаш-лиги ва ундан фаркли хусўсиятлари. Улуғворликда объектив-лик ва субъективлик, сифат ва миқдор, мазмун ва шакл ди-алектикаси. Улуғворликнинг турлари. Табиатда, ижтимоий муносабатларда ва инсон фаолиятида улуғворлик намоён бўлишининг хусусиятлари. Санъатда улуғворлик акс этиши-нинг усуллари ва шакллари. Улуғворлик категориясининг

эстетик тарбиядаги аҳамияти.

Тубанлик /пасткашлик, разиллик/ —улуғворликнинг ди-алектик зиддияти. Тубанликнинг хунукликка ўхшаш ва ун-дан фарқли хусусиятлари. Ижтимоий ҳаётда, ижтимоий му-носабатларда ва инсон фаолиятида тубанлик намоён бўлишининг шакллари. Тубанликдаги субъективтомон. Санъатда тубанликнинг акс этиши. Тубанлик категориясининг эсте-тик тарбиядаги аҳамияти.

Драматиклик. Драматик вазият, драматик ҳаракат, драма-тик конфликт. Драматик қаҳрамон. Драматикликдаги объек-тив ва субъектив томонлар. Ижтимоий ҳаёт ва инсон маъна-вий-руҳий дунёсида драматикликнинг намоён бўлиши. Дра-матикликнинг санъатда акс этиши. Драматургия ва драма. Драманинг шаклланиши ватарихий шакллари. Драматиклик-нинг шакллари ва уларнинг хусусиятлари.

Трагиклик. Трагикликнинг объектив мазмуни ва ундаги субъектив томон. Трагиклик ижтимоий-эстетик ҳодисадир. Трагик вазият, трагик зиддият, трагик конфликт. Трагик ва-зиятлар ва шахс шавқ-завқи. Трагик зиддиятлар таркиби: зарурият ва тасодиф, эркинлик ва зарурият, ижтимоийлик ва индивидуаллик. Трагик конфликтни ҳал қилиш усуллари. Тра-гик коллизия типлари: янгилик фожиаси, эскилик фожиаси, янглишиш фожиаси. Трагик қаҳрамон. Трагикликни тушунишнинг тарихий характери. Трагикликни идрок этиш ва трагик кечинма. Трагикликнинг инсонга эстетик ва ахлоқий таъсири /катарсис/. Трагикликнинг гўзаллик, улуғворлик, қаҳрамон-лик ва эстетик идеал билан ўзаро алоқаси. Трагикликнинг санъ-атда акс этиши. Трагедия санъат жанридир. Трагедиянинг тарихий шакллари. Ҳозирги даврда трагик коллизиянинг хусу-сиятлари. Трагикликнинг эстетик тарбиядаги аҳамияти.

Комиклик. Комикликнинг ижтимоий-эстетик ҳодиса си-фатидаги объектив мазмуни. Комикликдаги субъектив томон. Комик вазият ва комик зиддиятнинг мазмуни ҳамда таркиби. Комик конфликтнинг тарихий характери. Кулги, кулгилик ва комиклик. Комикликнинг гўзаллик, улуғворлик, қаҳра-монлик, хунуклик, тубанлик ва бошқа категориялар билан ўзаро алоқаси ҳамда ўзига хос хусусиятлари. Комикликнинг санъатда ифодаланиши. Комедия санъат жанридир. Комедия шакллари тарихий тараққиёти. Комикликнинг эстетик тарбиядаги аҳамияти.

, Трагикомиклик. Трагикомиклик трагиклик ва комиклик-•Кингўзаро^уйғунлашуви эканлиги. Ижтимоий ҳаётда ва ин-сон маънавий-руҳий дунёсида трагикомикликнинг намоён бўлиши. Санъатда трагикомикликнинг акс этиши Трагико-микликнинг кўринишлари. Трагикомиклик категориясининг эстетик тарбиядаги аҳамияти.

Қаҳрамонлик. Қаҳрамонликнинг гўзаллик, улуғворлик, драматиклик билан ўзаро алоқаси ва фарқли хусусиятлари. Турли жамиятларда қаҳрамонлик намоён бўлишининг шакл-лари. Қаҳрамонликнинг субъективтомони. Қаҳрамонлик тўғрисидаги тасаввурларнинг тарихий ўзгарувчанлиги. "Дегероза-ция" назариясининг асосизлиги. Санъатда қаҳрамонлик акс этишининг усуллари ва шакллари. Қаҳрамонликнинг инсон-ни эстетик тарбиялашдаги аҳамияти.

Бадийлик. Бадийлик ва эстетиклик. Бадийликнинг эс-тетиканинг бошқа категориялари билан ўзаро алоқаси ва ху-сусиятлари. Бадийликдаги объектив ва субъектив асослар. Бадийлик ва бадий маданият, бадий онг, бадий ижод, бадий тарбия.

6-мавзу. САНЪАТ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Санъат ижтимоий ҳодисадир. Санъатнинг ижтимоий му-носабатлар томонидан белгиланиши. Жамият социал-иқти-содий тараққиёти билан санъат алоқаларининг мураккабли-ги ва бевосита боғлиқлиги. Санъат тараққиётида нисбатан мустақиллик қонунияти. Ижтимоий меҳнат тақсимоти санъ-атнинг вужудга келиши ва тараққиёти учун шарт-шароит ва омил сифатида. Илмий-техника прогрессининг санъат бади-ий воситалари ва тили тараққиётига таъсири. Санъат борли-гининг аудиовизуал воситалари. Жамият маданияти ва уст-курмаси таркибида санъатнинг ўрни. Бадий маданият ту-шунчаси. Бадий маданиятнинг таркибий қисмлари: бадий ижод жараёни, бадий воситалар ва асарлар, санъат асарла-рини кўпайтириш, сақлаш ва тарқатиш воситалари, адаби-ий-бадий танқид ва санъат тўғрисидаги фан, бадий тар-бия, публика типи. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида санъатнинг ўрни. Санъатнинг халқчиллиги. Халқ - маданият ва санъат ижодкори. Халқ ижодининг профессионал санъат-

га таъсири. Халқчиллик санъат ва санъаткорнинг прогрессив-тиги белгиси сифатида. Санъат халқчиллигининг тарихий характери. Санъатнинг миллий ўзига хослиги. Санъатда халқ-чиллик ва миллийлик, миллийлик ва байналминаллик. Санъат - ижтимоий онг шакли. Санъатнинг ижтимоий онгнингбошқа шакллари билан ўзаро алоқаси.

Санъатнинг функциялари. Санъатнинг инъикос функцияси. Санъатда воқелик акс этишининг хусусиятлари. Санъатнинг билиш функцияси. Санъат воқеликни тасвирлаш, ўзгартириш ва баҳолаш сифатида. Санъатнинг ғоявий-тарбиявий, гедонис-тик ва баҳолаш функциялари. Санъатнинг коммуникатив функ-цияси. Санъат кишилар ўртасидаги алоқа шакли сифатида, унинг оммавий алоқа воситалари билан боғликлиги.

Санъатнингўзига хос хусусияти. Бадиий образ - воқеликни санъатга хос акс этиришнинг махсус шакли. Бадиий образнинг эстетик табиати. Бадиий образда умумийлик, хусусийлик тасвирийлик ва ифодалилик, мазмун ва шакл диалектикаси. Бадиий образнингяхлитлиги. Бадиий образтипологияси. Бадиий маданиятнинг образли силсиласи. Бадиий образнинг ғоявий йўналиши. Бадиий умумлаштириш ва бадиий образ яратишнинг усуллари. Санъатда ҳаёт ҳақиқатмонандлиги ва шартлилик. Шартлиликтиплари,уларнингчегаралари. Бадиий асар образлар силсиласи ва яхлит образ сифатида. Бадиий ижод жараёни. Бадиий ижоднинг ижтимоий табиати. Халқсанъатида ижоднинг коллектив характери. Бадиий ижоднинг махсус фаолият шакли сифатида ажралиб чиқиши. Бадиий қадриятлар ижодкорларининг тарихий типлари. Санъаткор ва жамият. Бадиий хаваскорлик ижоди. Бадиий ижод таркиби. Ижодда аклийлик ва хиссийлик. Бадиий интуициянинг хусусиятлари. Бадиий ижоддаунёқарашнингроли. Бадиий метод ва услуб. Ижодий жараён ва унинг хусусиятлари. Санъаткорнинг ҳаёт тажрибаси ва ижод. Бадиий ижодда кузатиш, ўрганиш, таҳлил, умумлаштириш. Санъаткор ўзлигининг ифодаланиши. Бадиий фантазия ватасаввурнингроли. Ғоя ваунинг ижроси. Бадиий истеъдод. Талант ва гений. Талант ва маҳорат, талант ва меҳнат. Ижодий жараёнда бадиий тасаввур, илҳом ва интуиция. Бадиий ижодда анъаналарнинг роли. Традиция ва новаторлик. Новаторлик ва сохта новаторлик.

Санъатнинг вужудга келиши ватарихий тараққиёти. Санъ-атнинг вужудга келиши тўғрисидаги асосий назариялар. Санъат вужудга келиши ва тараққиётининг, асосий босқичлари ва қонуниятлари.

7- мавзу. САНЪАТДА МАЗМУН ВА ШАКЛ

Санъат асари мазмун ва шакл бирлигидир. Эстетиканинг мазмун ва шакл бирлиги масаласининг асосий қоидалари: уларнинг бир-бирига мос келиши ёки, аксинча, мос кел-маслиги, мазмуннинг шаклга нисбатан белгиловчилик роли, мазмуннинг "шаклланганлиги" ва шаклнинг "мазмундорли-ги", мазмун ва шакл ўртасидаги зиддиятлар, шаклнинг нис-бий мустақиллик, фаол характери,

Санъат предмети ва мазмуни. Санъат мазмунида объект-тивлик ва субъективлик, буюмлик ва ғоявий-ҳиссийлик бир-лиги. Санъат асарида мавзу ва ғоя. Характерлар ва коллизия-лар. Сюжет ва фабула. Фабула қисмлари: экспозиция, тугун, воқеа ривжи, кульминация, ечим. Санъат ғоявий-тематик мазмунининг ижтимоий жиҳатдан шартланганлиги.

Бадий шакл—мазмуннинг яхлиттузилиши. Бадий шакл-нинг мазмун томонидан белгиланиши. Санъатда жанр шакли. Ҳар хил санъат турлари материали ва тили. Бадий асарнинг тасвирий ва ифода воситалари. Композиция, ритм ва улар-нинг аҳамияти. Бадий усул. Бадий шакллар ва бадий шарт-лилик. Бадий шакллар типологияси. Бадий тил масаласи. Санъатда белги. Материал ва бадий тил.

Бадий шакллар силсиласининг тарихий тараққиёт қону-ниятлари. Бадий шакллар ва метод. Санъатда натурализм ва формализмнинг ғайри-эстетик моҳияти. Ўзбек адабиёти ва санъати бадий шаклининг ўзига хослиги.

8-мавзу. САНЪАТДА ИЖОДИЙ МЕТОД ВА УСЛУБ

Бадий метод тушунчаси. Бадий методнинг санъат пред-мети, ижтимоий муносабатлар характериға боғлиқлиги, унинг ижтимоий моҳияти ватарихан шартланганлиги. Бадий метод принциплари: воқелик ҳодисаларини танлаш ва умумлашти-риш, уларни муайян эстетик идеал нуктаи назаридан ғоявий-эстетик баҳолаш, воқеликни муайян дунёқараш нуктаи наза-ридан акс эттириш, ижодий қайта ишлаш ва бадий тасвир-лаш. Бадий метод вужудға келиши ва тараққиётида дунёқа-раш, эстетик идеаллар характерининг белгиловчилик роли.

Санъатда бадий метод ва йўналиш. Бадий методнинг тарихий типлари. Санъатда реализм тараққиётининг қонуни-ятлари ва тарихий шакллари. Реалистик метод принциплари. Реализм ва бошқабадий методлар/классицизм, романтизм,

натурализм ва ҳ.к./ . Ўзбек санъати ижодий методи масаласи. Санъатда услуб тушунчаси. Услуб—ғоявий-тематик мазмун ва унга мос келадиган тасвирий-ифода воситалари ҳамда усул-ларинингтарихан шаклланган, барқарор умумийлиги. Услуб-нинг бадиий метод билан ўзаро алоқаси. Ягона бадиий метод доирасида услублар ва ижодий усуллар ранг-баранглиги. Услуб ва санъаттурлари. Услуб ва жанр. Метод, йўналиш /оқим, мактаб/ ва услуб. Ўзбек санъатида услуб ранг-баранглиги.

9-мавзу. САНЪАТ ТУРЛАРИ

Санъаттурлари жанрлари тушунчадари. Жамияттаракқиётининг турли босқичларида санъат турлари вужудга келиши ватараққиётинингтарихан шартланганлиги. Санъаттурлари ифода воситаларининг уларнинг предмети, мазмуни ва вазифаларига боғлиқлиги. Санъатнинг ҳар хил турларида бадиий образнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳар хил санъаттур-ларининг силсила ичидаги ўзаро таъсири, уларнинг нисбий мустақиллиги. Етакчи санъаттури масаласи. Санъаттаракқиётда дифференциация ва интеграция жараёнлари. Бирсанъат тури бадиий асарини бошқаси тилига "таржима" қилиш масаласи. Фан-техника прогрессининг санъатнинг янги турлари вужудга келиши ва ўзаро алоқаси жараёнига таъсири. Санъатни хил жанрларга бўлиш принциплари. Санъат турлари ва жанрларининг ўзаро муносабати. Эстетика тарихида санъаттурлари таснифи масаласи. "Вақтий", "маконий", "маконий-вақтий", "томошали", "тингланадиган", "сиитетик", "тасвирий", "ифодали" санъатлар тушунчалари. Бу таснифларнинг шартли характери.

Декоратив-амалий санъатлар. Декоратив-амалий санъатларнинг ашёвий-маконий характери. Декоратив-амалий санъатларда утилитар ва эстетик томонлар бирлиги. Декоратив-амалий санъатлар типлари ва улар тараққиётининг йўналишлари. Халқбадиий ҳунармандчилиги. Декоратив-амалий санъатлар бадиий-образли силсиласининг ўзига хослиги. Аҳами-ягли шакл декоратив-амалий санъатлар ифодали тилининг асоси сифатида. Декоратив-амалий санъатларда бадиий-абстракциянинг роли. Декоративлик (безакмлик) гўзалликни ифодалаш шаклларида биридик. Ўзбек халқ амалий санъатининг эстетик хусусиятлари ва аҳамияти.

Архитектура (меъморчилик). Архитектурада утилитарлик, функциясизлик, конструктивлик ва бадиий томонлар бирлиги.

Архитектура образининг ўзига хос хусусияти. Архитектурада ком-позиция ва ансамбль. Архитектурада услуб. Архитектура иншо-отлари турлари ва типлари. Архитектурада намунавий лойиҳа-лаштириш ва бадий индидуагпик масаласи. Шаҳар курилиши масаласи. Архитектура ва санъатлар синтези. Ҳозирги замон архитектурасининг аҳамияти ва эстетик хусусиятлари.

Тасвирий санъатлар. Рассомлик. Рассомликнинг ғоявий-эстетик имкониятлари. Рассомликда бадий образининг ўзига хос хусусиятлари. Рассомликнинг бадий воситалари: сурат, ранг, соя ва нур, бўёқ, перспектива, композиция. Безакли (декоратив), монументал /муҳташам/, дастгоҳли (станокли) рассомликлар. Рассомликтехникасинингасосийтурлари: мой-бўёқди рассомлик. акварель, гуашь, темпера, фреска, мозаика ва ҳ.к. Рассомлик жанрлари. Рассомликни эстетик идрок этишининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда рассомлик санъатинингтаракқиёт йўналишлари ва эстетик хусусиятлари. Графика (наққошлик). Рассомлик ва графиканинг умумий ва фаркли хусусиятлари. Сурат—графиканинг асосий воситаси. Графика турлари: дастгоҳли, китоб ва газета-журнал, плакат, амалий графикалар. Ўзбек халқ наққошлиги ва замонавий пра-фикаси. Ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошликнингтасвирий во-ситалари: пластик-ифодали ҳажм, силуэт, пропорциялар, соя ва нур. Дастгоҳли, безакли ва монументал Ҳайкалтарошликларнингхусусиятлари. Монументал Ҳайкалтарошлик ваархитек-тура синтези. Яхлит Ҳайкалтарошлик ва рельеф. Кичик шакллар Ҳайкалтарошлиги. Ҳайкалтарошликнинг ғоявий-эстетик им-кониятлари. Ўзбек халқи Ҳайкалтарошлик санъати.

Музыка. Музыкада ҳаётас этишинингхусусиятлари. Му-зика мазмуни ва шаклининг ўзига хослиги, унда тасвирий-лик ва ифодалиликтормонлари нисбати. Интонация—музыка санъати бадий образининг асоси. Музыкавий ифодалилик воситалари: мелодия (оҳанг, куй), гармония (уйғунлик), ритм, соз ва ҳ.к. Музыка турлари ва жанрлари. Халқмузикаси. "Енгил" ва "жиддий", программали ва программасиз, чолғу ва вокаль (яккахон) музыкалар. Музыкада ижрочилик санъд-ти ва унинг ўзига хослиги. Музикани идрок этишининг хусу-сиятлари. Ўзбек халқ музыка меросининг эстетик аҳамияти.

Бадий адабиёт. Адабиётнинг тарихий таракқиёти. Халқ оғзаки ижоди. Ёзма адабиёт. Адабиётда бадий образинингўзига хослиги. Тил адабиётнинг биринчи элементидир. Сўз лингвис-

тик белги ва поэтик тил белгиси сифатида. Бадиий адабиётнинг хил (тур)лари: эпик, лирик, драматик. Адабий жанрлар. Бадиий адабиётнинг санъатнинг бошқа турлари билан ўзаро алоқаси. Ўзбек бадиий адабиётининг эстетик қиммати.

Томошавий санъатлар. Театр—синтетик томошавий санъат. Спектакль—театр санъати асоси. Театр спектаклида санъатлар ва бадиий шаклларнинг бир-бирига диалектик таъсири. Театр— коллектив санъат. Драматургия—театр санъатининг асоси. Ак-тёр санъаткордир. ʌктёр ўйини ифода воситаларининг хусуси-ятлари. Режиссёрлик санъати. Саҳналаштириш ва драматик асар-ни талқин қилиш масаласи. Томошабин ва спектакль. Томоша-бин, актёр, режиссёр алоқаларининг характери. Театр турлари: драматик, музыкали, халқ театрлари. Эстрада ва цирк—саҳна санъатининг махсус турлари, уларнинг бадиий хусусиятлари. Ўзбекистонда театр ва цирк санъатлари тараққиёти.

Хореофафия (ракс санъати). Ракс санъатида воқелик акс эти-шининг хусусиятлари. Ракс бадиий образининг ифодали восита-лари. Хореографиятурлари: халқ, маиший, классик рақслар, балет. Ўзбек рақс санъатининг эстетик бойлиги. Кино. Кино санъатининг синтетик табиати. Кинематофафия тилининг хусусиятла-ри: монтаж, йирик ва умумий планлар, рясурс, нур, ритм, хара-кат, товуш ва ҳ.к. Кинофильм яратилишида драматургия, ре-жиссура, олераторлик ~ва актёрлик маҳорати, ифодаяи ҳолатлар ҳамда музиканинг роли. Фильм коллектив ижод асаридир. Кино бадиий образининг ўзига хослиги. Техника тараққиёти ва унинг кино бадиий имкониятларининг кенгайишидаги роли. Рангли, кенг экранли, манорамали, кенгформатли кинолар. Киншатоғ-рафия турлари: бадиий, хужжатли, илмий-оммабоп, мультигшк-кацион. Кино санъати жанрлари. Экрانشастириш масаласи Кино энг оммавий санъат туридир. Ўзбек киноси тараққиёти ютуқлари ва истиқболи. Телевиденне—томошавий санъатнинг янги тури. Телевидение санъатинингсинтетик характери. Телевидекиенинг ифода воситалари. Телевидение санъати жанрлари. Телевидение-нинг хужжатлилиги ва пубдшистлилиги. Телевиде! н^екинг аудио-визуаллик имкониятлари. Оммавий ахборот ва а/юқа воситалари силсйласидателевидениенингўрни ва роли. Ўзбек телевидени • есининг эстетик имкониятлари.

10-мавзу. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Эстетик тарбиянинг моҳияти ва вазифалари. Тарбиянинг бошқа шакллари силсиласида эстетик тарбиянинг ўрни ва хусусиятлари.

Эстетик тарбиянинг мақсади—дар томонлама ва гармоник ри-вожланган шахсни, унинг эстетик қобилиятларини шакллан-тириш. Эстетиктарбиянингасосий принциплари ва методлари.

Эстетик тарбиянинг воситалари ва шакллари. Меҳнат, ишлаб чиқариш ва эстетик тарбия. Ижтимоий муносабатлар ватурмуш соҳасида эстетиктарбия. Ижтимоий муносабатлар ва кишилар хулқ-атворлари, турмуш гўзаллиги. инсоннинг ҳар томонлама ва гармоник равнақи учун кураш. Эстетик тар-бия ва инсоннинг жисмоний равнақи. Санъат ва эстетик тар-бия. Эстетик ва бадий тарбия. Эстетиктарбияда мактаб, олий ўқув юртлари, маданият муассасалари, ижтимоий ташкилот-лар, оммавий алоқа воситаларининг роли. Ўзбекистонда эстетик тарбия муаммолари.

АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992.

Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997.

Алимов С. Дидлар баҳси. Тошкент, 1970.

Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). Тошкент, 1980.

Белинский В. Г. Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши. -Танланган асарлар. Тошкент, 1956.

Борев Ю. Эстетика.Изд. 4-е. М., 1988.

Ванслов В. В. Содержание и форма в искусстве. М., 1956.

Ванслов В.В. Эстетика. Искусство. Искусствознание. Воп-росн теории и истории. М., 1983.

Волкова Е. В. Эстетика и искусствознание. М., 1986.

Вопрось/ теории эстетического воспитания. Под. ред. Г. 3. Апресяна. М., 1970.

Гегель. Лекции по эстетике.-Соч., т. XIV. М., 1938-1958.

Герман Ш. М, Скатершиков В.К. Беседм обэстетике. М., 1982.

Гольденрихт С. С, Гальперин М.П. Специфика эстети-ческого сознания. М., 1974.

Горький М. Адабиёт ҳақида. Тошкент. 1962.

Громов Е. С. Эстетический идеал. М., 1961.

- Громов Е. С. Основные эстетические категории. М., 1981.
- Гулуга А. В. Принципы эстетики. М., 1987.
- Дидро Д. Прекрасное. -Изб. произв. М., 1951.
- Еремеев А. Ф. Происхождение искусства. Теоретические очерки. М., 1970.
- Исломова Л. А. Ўзбекистон халқларининг эстетик мероси ҳақида. Тошкент, 1959.
- Исломова Л. А. Эстетик мерос ва тарбия. Тошкент, 1973.
- История эстетики. Памятники мировой эстетической мысли. В5-тит. М., 1962-1970.
- История эстетической мысли. В 6-ти т. М., 1985-1987.
- Каган М. С. Социальные функции искусства. М., 1976.
- Кант И. Критика способности суждения. -Соч., т. У. М., 1966.
- Красностанов Э. Г., Средний Д. Д. Основные эстетические категории. М., 1976.-
- Краткий словарь по эстетике. Под общей ред. М. Ф. Овсянникова, В. А. Разумного М., 1964.
- Краткий словарь по эстетике. Кн. для учителей. Под ред. проф. М. Ф. Овсянникова. М., 1983.
- Кунчева Л. И. Эстетические взгляды общества и художественная культура. М., 1979.
- Лекции по истории эстетики. Под ред. проф. М. С. Кагана. Л., 1976-1980.
- Лифшиц Мих. В мире эстетики. Статьи 1969-1981 г.г. М., 1985.
- Лукьянов Б. Г. В мире эстетики. Кн. для учащихся старших классов. М., 1988.
- Муминов И. М., Хайруллаев М. М. Из истории прогрессивных эстетических учений в Узбекистане конца XIX—начала XX в./К 100-летию со дня рождения поэта-демократа Фурката/. -Муминов И. М. Избр. произв. Т. 2. Ташкент, 1972.
- Махмудов Т. Эстетика живописи Узбекистана. Ташкент, 1983.
- Махмудов Т. Вокруг эстетик муносабат. Тошкент, 1976.
- Махмудов Т. Гўзаллик ва ҳаёт. Тошкент, 1977.
- Овсянников М. Ф. История эстетической мысли. Изд. 2-е, перераб. и доп. М., 1984.
- Пелеханов Г. В. Письма без адреса. Искусство и общественная жизнь. Французская демократическая литература и французская живопись XVIII века с точки зрения социологии. -Избр. философ. произв. В 5-ти т. Т. У. М., 1958.
- Природа и функции эстетического. М., 1968. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Сред-

- ней Азии. Древность и средневековье. М., 1982.
- Рахмонов М. Ўзбектеатри. Кдцимги замонлардан XVIII асрга қадар. Тошкент, 1975.
- Столович Л. Н. Природа эстетической ценности. М., 1972.
- Столович Л. Н. Философия красотм. М., 1978.
- Столович Л. Н. Эстетическая и художественная ценность: сушность, специфика, соотношение. М., 1983.
- Столович Л. Н. Жизнь, творчество, человек. М., 1985.
- Султонов Иззат. Адабиёт назарияси. Дарслик. 2-нашри. Тош-кент, 1986.
- Теория эстетического воспитания. М., 1979.
- Умаров Э. Эстетика. Тошкент, 1995.
- Файзуллина С. Х. Становление и развитие эстетического воспитания школьников Узбекистана /1917-1980 гг/. Таш-кент, 1984.
- Форобий Абу Наср. Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола. -Аристотель. Поэтика. Тошкент, 1980.
- Чернишевский Н. Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1956
- Шестаков В. П. Эстетические категории. Опнт систематического и исторического исследования. М., 1983.
- Эстетика. Словарь. Под общей ред. А. А. Беляева и др. М., 1989.
- Эстетиктарбия. /Толстих В. И. ва бошқалар/. Тошкент, 1974.
- Эстетические учения народов Средней Азии /А. Кунанбаев, А. Дониш, Д. Хозмк, Мукими, Фуркат, Бердах, Токтогул Сатмганов/. Вступ. статья, перевод текстов и библиография Л. А. Шарафутдиновой. -История эстетики. Памятники мировой эстетической ммсли. В. 5-ти т. т IV, 2-полутом. М., 1968.
- Эстетическое. М., 1964.
- Этическое и эстетическое. Л., 1971.
- Каюмов Л., Аминова М. Ҳамза Ҳакимзоданинг эстетик қарашлари. -Ҳамза ҳақида мақолалар. Тошкент, 1960.
- Кудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. Тош-кент, 1991.
- Ғойибов Н. Санъаттараққиётинингбаъзи масалалари. Тош-кент, 1970.

ТУЗУВЧИ: фалсафа фанлари номзоди, доцент Н. БЕРДИЕВ.

ЛОГИКА ЛОГИКА КУРСИНИНГ МАВЗУЛАР

РЕЖАСИ

Та р тиб №	Мавзулар номи	Ўқув соатлари сони			
		Кундузги бўлимда		Сиртки бўлимда	
		маъруза	семинар	маъруза	семинар
1.	Логиканинг предмети	2	2	1	-
2.	ва аҳамияти	4	2	2	-
3.	Тушунча	4		2	
4.	Ҳукм	4		2	
5.	Хулоса	2		1	
6.	Исбот ва раддия	2		1	
7.	Муаммо, фараз, назария Логиканинг қонунлари	2		1	
	Жами	20	4	10	-

1-мавзу. ЛОГИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ

Логика фанининг предмети. "Логика" термини ва унинг икки маъноси. Шарқда "мантик" термини. Объектив ва субъектив логика ва уларнинг узвий бирлиги.

Билиш ва унинг асосий босқичлари. Ҳиссий ва ақлий /назарий, мантикий/ билишлар, уларнинг ўзаро бирлиги ва хусусиятлари. Тафаккур логика фанининг ўрганиш объекти сифатида.

Тафаккурнинг мантикий шакллари ва логик қонунлар. Тафаккурнинг мантикий таркиби ва унинг символлар /рамзлар/ ёрдамида ифодаланиши. Фикрнинг ҳаққонийлиги /чинлиги/ ва мулоҳазаларнинг шаклий тўғрилиги, уларнинг ўзаро алоқаси ва баъзан бир-бирига мос келмаслиги, Формаллаштириш жараёни ва унинг билишдаги аҳамияти. Логик қонунлар тушунчаси. Логик қонунлар тафаккур қонунларидир. Логик қонунларга амал қилиш—мулоҳаза жараёнида ҳақиқатга эришишнинг зарурий шarti.

Логиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси ва улар учун аҳамияти. Логика ва фалсафа. Логика ва ижтимоий-гуманитар фанлар. Логика ва математика. Логиканинг табиий ва техник фанлар билан алоқалари. Логиканинг фан ва техника учун, тафаккур маданиятини юксалтиришдаги, таълимдаги аҳамияти.

Логик фикр таракқиёти тарихининг асосий босқичлари. Аристотелнинг классик ёки формаль логикаси. Математик ёки символик логика. Диалектик логика. Уларнинг ўзаро алоқалари ва хусусиятлари.

2-мавзу. ТУШУНЧА

Тушунча тафаккур шакли сифатида. Буюмлар хоссалари ва муно-сабатлари, уларнинг тушунчаларда акс этиши. Тушунча белгилари.

Тушунча ва сўз, уларнинг узвий бирлиги ва фарқлари.

Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми. Тушунчанинг мантиқий таркиби ва унинг қисмлари. Тушунчанинг мазмуни унда акс этган буюмлар белгиларинингмажмуи тўғрисидаги билим экан-лиги. Тушунчанинг ҳажми унда акс этган буюмлар доираси ҳақидаги билим эканлиги. Синфлар ва синфчалар. Синфнинг қисмлари. Синфга қисмнинг мансублиги муносабатлари ва синфга киритиш. Тушунчанинг мазмуни билан ҳажми ўрта-сидаги тескари нисбат қонуни.

Тушунчанинг турлари: 1. Мазмунига кўра тушунчалар тур-лари: конкрет ва абстракт /мавхум/, нисбатдош ва нисбат-сиз, мусбат /қўбий/ ва манфий /салбий/ тушунчалар, ка-тегориялар. 2. Ҳажмига кўра тушунчалар турлари: жинс ва тур тушунчалари. 3. Ҳажм тафовутига кўра тушунчалар турлари: якка, умумий ва тўпланма тушунчалар.

Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар: 1. Сиғишадиган /тақ-қосланадиган/ муносабатлар. Сиғишадиган тушунчалар ўртаси-даги муносабатлар типлари: айният, бўйсунуш ваҳажмларнинг қисман мослик муносабатлари. 2. Сиғишмайдиган /таққослан-майдиган/ муносабатлартиплари: биргаликда бўйсунуш, кара-ма-қаршилиқ /контрар/ ва зидлик /контрадиктор/ муносабат-лари. Тушунчалар ўртасидаги муносабатларнинг Эйлер доира-лари ва формулаларда ифодаланиши.

Тушунчалар устида мантиқий амаллар. Тушунчани таъриф-лаш /дефиниция/. Аниқ ва ноаниқ тарифлар. Аниқ таъриф турлари: энг яқин тур белгисини кўрсатиш ва жинс орқали таърифлаш, генетик, реал ва номинал таърифлар. Ноаниқтаъ-рифлар: контекстуал, индуктив, аксиома орқали, семантик, синтактик, остенсив, операциональ, Қарама-қарши қўйиш орқали таърифлашлар. Таърифлаш қоидалари. Таърифлашда йўл қўйиладиган мантиқий хатолар. Тушунчани таърифлаш-нинг фандаги аҳамияти. Таърифга олмош бўладиган усуллар: кўрсатиш, тасвирлаш, тавсифлаш, ўхшатиш, тафовутлаш, характеристика. Тушунчани бўлиш. Тушунчани бўлиш турла-ри: белгиларнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ва дихотомик бўлишлар. Тушунчани бўлишнинг қоидалари. Бўлишда учрайди-

ган хатолар. Классификация /таснифлаштириш/. Классификация турлари: табиий /муҳим белгилар бўйича/ классификациялар ва сунъий ёки ёрдамчи /номуҳим белгилар бўйича/ классификациялар. Ҳар қандай классификациянинг шартли /нисбий/характери. Классификациянинг фан ва амалиётдаги аҳамияти. Тушунчани чегаралаш ва умумийлаштириш. Чегаралаш амали ва билимларни конкретлаштириш. Синфларга бўлиш /тушунчалар ҳажми/ бўйича амаллар: бирлаштириш, кесиштириш, айириш. Синфлар логикасининг асосий қонунлари: коммутативлик, кесиштириш ва бирлаштиришнинг асоциативлиги, дистрибутивлик қонунлари, сингдириш қонунлари ва ҳ.к. /

Тушунчалар шаклланишининг асосий мантиқий усуллари: таққослаш, анализ ва синтез, абстракциялаштириш /мавҳум-лаштириш/, умумлаштириш.

3-мавзу. ҲУКМ

Ҳукмнинг моҳияти ва мантиқий таркиби. Ҳукм тафаккур шакли сифатида. Ҳукмлар шаклланиши ва ҳосил бўлишида тушунчаларнинг аҳамияти. Чин ва ёлғон ҳукмлар. Ҳукмнинг мантиқий таркиби ва унинг қисмлари: субъект, предикат ва боғловчи. Квантор. Ҳукмнинг терминлари.

Ҳукм ва гап. Уларнинг ўзаро бирлиги ва фарқлари. Дарак, ундов ва сўроқ гаплар, уларнинг мантиқий мазмуни, **ҳукм**-лар ҳосил бўлишидаги аҳамияти.

Ҳукмнинг хиллари. Содда ҳукмлар ва уларнинг турдари: 1. Боғловчининг мазмуни /сифати/ жиҳатидан ҳукмларнинг турлари: тасдиқ ва инкор ҳукмлар. 2. Субъектнинг ҳажми /миқ-дори/ жиҳатидан ҳукмларнинг турлари: яққа, ЖузъиП ва ; мий ҳукмлар. 3. Мазмун ва ҳажми жиҳатидан ҳукмларнинг бирга-ликда бўлинишлари: умумий тасдиқ /А/, жузъий тасдиқ /И/, умумий инкор /Е/ ва жузъий инкор /О/ ҳукмлар. Уларда терминларнинг бўлиниши. 4. Предикатнинг мазмунига кўра ҳукмларнинг турлари: мавжудлик, хусусият ва муносабат ҳукмлари; 5. Модаллик бўйича ҳукмларнинг турлари: объектив ва мантиқий модалликларига кўра ҳукмлар. Объектив /онтологик/ модаллигига кўра ҳукмларнинг турлари: воқеий, зарурий ва эҳтимолий ҳукмлар. Мантиқий модаллигига кўра ҳукмларнинг турлари: ишончли ва муаммовий /проблематик/

хукмлар. Уларнинг ясалиши ва формулалари. ч Мураккаб хукмлар ва уларнинг турлари. Мураккаб хукм-ларнинг содда хукмлардан мантикий боғловчилар ёрдамида \осил бўлиши: конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эк-виваленция ва инкор. Қўшувчи /конъюнктив/ хукмлар. Айи-рувчи /дизъюнктив/ хукмлар. Қатъий ва қатъий бўлмаган дизъ-юнкциялар. Шартли /имплицатив/ хукмлар, етарли ва зару-рий шарттушунчалари. Эквивалентхукмлар. Хукмларни ин-кор этиш усуллари. Хукмларнинг чин бўлиш шартлари /жад-вал бўйича аниқлаш/.

Хукмлар ўртасидаги муносабатлар /мантикий квадрат/. Қарама-қаршилик ва бўйсунуш муносабатлари. Бу муноса-батларнинг қоидалари. Мантикий квадратнинг аҳамияти.

Савол ва норма. Савол ва унинг хукм ҳосил қилишдаги аҳами-яти. Саволнинг мантикий таркиби. Саволнинг турлари. Манти-қан тўғри ва нотўғри қўйилган саволлар. Саволни тўғри қўйиш шартлари. Аниқловчи ва тўлдирувчи саволлар. Содда ва мурак-каб саволлар. Саволга берилган жавобнинг турлари: чин ва хато, бевосита ва билвосита, қисқа ва батафсил, тўлиқ ва тўлиқсиз жавоблар. Жавобларнинг аниқ бўлиши. Норма ҳатти-ҳаракат қоидаларини ифода қилувчи фикр сифатида. Норма ва хукм. Норманинг воқеликка бўлган муносабатининг мантикий ифо-даланиши: норматив ҳақиқат ва хато норматив фикрлар.

4-мавзу. ХУЛОСА

Хулоса тафаккур шакли сифатида. Хулоса чиқаришда ту-шунча ва хукмларнинг аҳамияти. Хулосанинг мантикий тар-киби: асослар /дастлабки билим/, хулосалаш /натижани ман-тиқан асослаш/, натижа. Мантикий келиб чиқиш тушунчаси.

Хулоса чиқариш турлари: 1. Асослар сонига кўра хулоса чиқариш турлари: бевосита ва билвосита хулоса чиқаришлар. Бевосита хулоса чиқаришнинг мантикий усуллари: айланти-риш, алмаштириш, предикатга қарама-қарши қуйиш, "ман-тикий квадрат" бўйича хулоса чиқаришлар..2. Асослар вахуло-санинг умумийлигига кўра хулоса чиқариш турлари: дедуктив, индуктив, традуктив /аналогия бўйича/ хулоса чиқаришлар. Де-дуктив хулоса чиқариш. Дедуктив хулоса чиқаришга характерис-тика. Дедуктив хулоса чиқариш турлари.

Силлогизм. Силлогизмнинг умумий хусусиятлари. Силло-гизмнинг мантикий таркиби. Силлогизм терминлари. Силло-

гизм асослари. Силлогизм аксиомаси. Силлогизмнинг умумий қоидалари. Силлогизм фигуралари /шакллари/ ва уларнинг махсус қоидалари. Силлогизм модуллари /турлари/.

Силлогизм турлари. Содда силлогизм ва унинг турлари. Қатъий /категорик/ силлогизм. Энтимема—содда силлогизм-нинг қисқартирилган шакли. Энтимеманинг турлари. Энти-мемалардан силлогизмни қайтатиқлаш. Мураккаб силлогизм /полисиллогизм/. Полисиллогизм турлари /прогрессив ва рег-рессив/. Шартли силлогизм турлари /соф шартли ва шартли-қатъий/. Шартли силлогизм инкор шаклининг кўринишлари. Айирувчи /бўлинган/ силлогизм ва унинг турлари /соф айирувчи ва айирувчи-қатъий/. Эпихейрема—мураккаб силлогизмнинг қисқартирилган шакли. Сорит— мураккаб силлогизмнинг бир кўриниши. Соритнинг икки тури /аристо-телча регрессив ва гоклениевча прогрессив соритлар/. Ди-леммалар. Дилеммаларнинг икки тури /конструктив ва дест-руктив/. Тридилеммалар. Муносабат ҳукмларидан хулоса чиқаришлар. Муносабатларнинг асосий мантиқий хоссалари: симметриклик, рефлексивлик, транзитивлик, функционал-лик /ягона маънолилик/. Мулоҳазалар мантиқи ва предикат-лар мантиқи тушунчалари. Мулоҳазалар мантиқини жадвал-лар бўйича қуриш. Жадвал бўйича қуриш формулаларининг; турлари: айниан ҳаққоний, айниан хато, бажариб бўладиган. Мулоҳазалар мантиқи натураль/табiiй/ хулоса чиқариш системаси сифатида. Мулоҳазалар мантиқидан хулоса чиқариш қоидалари: конъюнкцияни киритиш, конъюнкциядан узоқ-лаштириш, дизъюнкцияни киритиш, дизъюнкциядан узоқ-лаштириш, импликацияни киритиш, импликациядан чиқариш, инкордан узоқлаштириш. Предикатлар мантиқи бўйи ча хулоса чиқаришлар. Кванторларни киритиш ва чиқариш қоидалари. Кванторларни кўчириш ва қайтадан қуйиш[^] қонун-лари /умумийлик, мавжудлик кванторларини қайтадан қўйиш, конъюнкцияга нисбатан умумийлик ва дизъюнкцияга нисбатан мавжудлик кванторлар дисфубутивлиги ва ҳ.к./ . Карама-қаршилиқларни ҳосил қилиш қоидалари. Предикат-лар мантиқини систематик жиҳатдан қуриш ва унинг қоида-сининг тўлиқ системаси ҳақида тушунча. Предикатлар мантиқи мулоҳазалар мантиқининг кенгайтирилишидир.

Индуктив хулоса чиқариш. Индукциянинг тажриба натижаларини умумлаштириш билан алоқаси. Индуктив хулоса

чиқаришнинг асосланганлиги муаммоси. Эҳтимоллик тушунчаси. Индуктив хулоса чиқариш турлари. Тўлиқ индукция, унинг тузилиши ва амал қилиш доираси. Математик индукция. Тўлиқсиз индукция ва унинг турлари: оммабоп ва илмий индукциялар.

Аналогиялар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини индуктив текшириш методлари: ўхшатиш методи, тафовут методи, ўхшатиш ва тафовут қўшма методи. йўлдош ўзгариш-лар методи, колдиқлар методи.

Аналогия /қиёс/. Аналогия— индуктив хулоса чиқариш. Аналогия бўйича хулоса чиқариш турлари: буюмлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси. Қатъий ва қатъий бўлмаган аналогия-лар. Ёлғон аналогия. Қатъий бўлмаган аналогияда хулосанинг *_қ чин бўлиши эҳтимоллиги даражасини ошириш шартлари. Қатъий аналогияда хулосанинг ишончлилиги. Билишда аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг аҳамияти. Аналогия— фан ва техникада моделлаштиришнинг мантикий асоси.

5- мавзу. ИСБОТ ВА РАДДИЯ

Далиллаш тушунчаси ва унинг мантикий асослари. Асосли муҳокама юритиш—илмий ишонч-эътиқод шаклланиши-нинг мантикий негизи.

Исботнинг моҳияти. Исбот этиш жараёнида тушунчалар, ҳукмлар ва хулоса чиқаришнинг аҳамияти. Фан ва амалиётда исботнинг аҳамияти. Исбот турлари /ашёвий ва мантикий исботлар/. Уларнинг ўзаро алоқаси ва қўлланиш доиралари.

Мантикий исботнинг таркиби: исбот тезиси, исбот асоси /аргумент/, исбот усули /демонстрация/.

Мантикий исбот турлари: дедуктив исбот, индуктив ис-бот, тўғридан-тўғри /бевосита/ исбот, четдан /билвосита/ исбот этиш. Четдан исбот этишнинг кўринишлари: "зиддин асос қилиб олиб исбот этиш" /апагогик/, бўлиб исбот этиш /истисно методи асосида/. Мантикий исботтурларинингху-сусиятлари, талаблари ва қўлланиш доиралари.

Исбот қоидалари. Тезисга ва антитезисга алоқадор қоида-лар ва тезисни исботлаш жараёнида йўл қўйиладиган хато-лар. Асосларга алоқадор қоидалар ва исбот асосларида учрай-диган хатолар. Асослаш шакли /усули/га алоқадор қоидалар ва асослаш шаклида йўл қўйиладиган хатолар.

Раддия. Унинг исбот билан ўзаро алоқаси ва ундан фарқи. Раддиянинг аҳамияти. Тезисни, аргументни ва демонстраци-яни рад этишнинг усуллари. Рад этиш қоидалари ва уларни бузганда учрайдиган мантиқий хатолар. Паралогизм, софизм ва парадокс.

Мунозара—бахсталаб масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилиш методи. Мунозара қилиш қоидалари.

6-мавзу. МУАММО, ФАРАЗ, НАЗАРИЯ

Муаммо ва унинг билишдаги аҳамияти. Муаммоли вазият тушунчаси. Савол ва муаммо. Илмий муаммоларнинг вужудга келиши ва мантиқий тузилиши. уларнинг турлари ва ҳал қилиниши. Муаммони ҳал қилиб бўлмасликни аниқлаш.

Фараз/гипотеза/—билишнинг тараққий этиш шакли.

Фаразнинг хусусиятлари ва илмий назариялар вужудга келишидаги аҳамияти. Фаразлар ҳосил бўлишида тушунча, ҳукм, ҳулоса, исбот ва раддиянинг аҳамияти.

Фаразтурлари: умумий, хусусий ва ишчи фаразлар. Фанда ўзаро рақобат қилувчи фаразлар. Фаразлар маъқуллигини танлаш шартлари.

Фаразлар чин бўлишининг мантиқий-методологик шартлари ва уларни тасдиқлаш усуллари. Оқибатларни келтириб чиқариш ва уларни асослаш /верификация/—фаразларни тасдиқлашнинг асосий даражасини эҳтимолий баҳолаш. Тўплам фаразлар методи. Оқибатларни рад этиш /фальсификация/ орқали фаразларни инкор этиш усуллари. Фаразлар ҳақиқий билимга айланишининг бевосита ва билвосита усуллари.

Назария илмий билимлар системаси сифатида. Илмий назариянинг мақсади, тузилиши ва вазифалари. Қурилиши бўйича илмий назарияларнинг турлари: тасвирловчи ва мантиқан системага солинган назариялар. Аксиоматик тарзда қурилган назариялар. Мазмунли ва формаллашган назариялар. Назари-ялар қуришнинг аксиоматик ва генетик методлари. Назария тақлили ва асосланишида логиканинг аҳамияти.

7-мавзу. ЛОГИКАНИНГ ҚОНУНЛАРИ

Тўғри тафаккурнинг асосий белгилари ва талаблари: фикр-нинг аниқ маънога эга бўлиши, изчил ва зиддиятсиз қурилиши, асослилиги. Логика қонунлари тўғри тафаккурнинг асосий талаблари /принциплари/ сифатида. Логика қонунларининг умумий хусусиятлари. Логика қонунларини материалистик ва идеалистик, дуалистик ва метафизик тушунишлар. Логика қонунларининг илмий билишдаги методологик аҳамияти.

Айният қонуни. Дунё буюм ва ходисалари ва муносабатларининг муайянлиги, барқарорлиги ва айнанлиги. Фикрнинг муайянлиги ва бир маънолилиги— мулоҳазалар ҳаққоний-лиги ва тўғрилигининг муҳим шарти. Айниятни метафизик ва диалектик тушунишлар. Фикр муайянлиги, қатъийлиги-нинг бузилиши— тушунча ўзгариши ва аралашиб кетишининг, мулоҳазалар тарқоқлиги, сочилиб кетишининг, масаладан чекиниш ва уни нотўғри қўйишнинг бош сабаби.

Зиддият қонуни. Борлиқ буюм ва ходисаларининг реал, объектив ҳамда фикрнинг шаклан мантикий зиддиятлари, уларнинг умумийлиги ва фарқи. Зиддиятни метафизик ва диалектик тушунишлар. Тафаккурнинг зиддиятсиз бўлиши— формальлогиканинг муҳим принципи. Сиғишмайдиган - қара-ма-қарши /контрар/ ва зид /контрадиктор/ ҳукмлар, улар-нинг бир вақтда чин бўла олмаслиги: улардан бири чин бўлиб, иккинчиси чин бўлмаслиги - зиддият қонунининг мағзи. Та-факкурда зиддиятга йўл қўйиб бўлмаслиги - мулоҳазалар муайянлиги, барқарорлиги, изчиллигининг зарурий шарти.

Учинчисини истисно қонуни. Учинчисини истисно қону-нининг зиддият қонуни билан алоқаси ва унинг фарқли ху-сусиятлари. Учинчисини истисно қонунининг фақат зид /кон-традиктор/ ҳукмларга нисбатан амал қилиши. Учинчисини истисно қонунининг зиддият қонунини янада ривожланти-риши. Учинчисини истисно қонуни томонидан бир-бирига зид ҳукмларнинг бир вақтда чин ёки бир вақтда ёлғон бўли-шига йўл қўймаслиги. Бу қонунниНг мағзи - масалани ҳал қилишнинг фақат икки йўлини тан олиш: улардан бири -чин, иккинчиси - ёлғон, учинчиси эса берилмаган, ўртача йўлнинг бўлиши мустасно. Учинчисини истисно қонунининг тўғри тафаккур учун аҳамияти.

Етарли асос қонуни. Мулоҳазалар ҳаққонийлигини далил-лар орқали асослаш. Фикрнинг асосланган, исботланган бўли-ши—етарли асос қонунининг маъзи. Етарли асоснинг шарт-лари ва фактлари. Асослар ўртасидаги сабаб-оқибат боғла-нишлари. Асосланганлик - тўғри тафаккурнинг муҳим талаби. Исботсизлик, асоссизлик - ноилмий, ёлғон тафаккурнинг, хурофот ва бидъатнинг белгилари.

АДАБИЁТЛАР

- Аристотель. Категории. - Соч. в 4 - хт. Т.2.М., 1978.
Аристотель. Об истолковании. - Соч. в 4 - х т. Т.2.М-, 1978.
Аристртель. Первая аналитика. - Соч. в 4 - х т. Т.2.М., 1978.
Аристотель. Вторая аналитика. - Соч. в 4 - х т. Т.2.М., 1978.
Аристотель. Топика. - Соч. в 4 - хт. Т.2.М., 1978.
Аристотель. О софистических опровержениях. - Соч. в4 - х т. Т.2.М., 1978.
Аль - Фараби. Логические трактатн. Алма-ата., 1975.
Ибн Сина. Избраннме произведения. М., 1980.
Гегель. Наука логики. Т 1.М., 1970.
Гегель. Наукалогики. Т.3.М., 1972.
Войшвилло Е. К. Символическая логика классическая и релевантная. М., 1989.
Гетманова А. Д. Логика М., 1986.
Горский Д. А. Логика. М., 1963.
Ивлеев В. И., Старченко А. А. Логика. М., 1995.
Кондаков Н. И. Логический словарь=справочник. Изд. 2-е.М., 1973.
Маковельский А. История логики. М., 1967.
Сборник упражнений по логике. Минск, 1990.
Упражнения пологике. М., 1990.
Рахимов И. Мантик. Тошкент, 1994.
Хайруллаев М., Ҳакбердиев М. Логика. Тошкент, 1984.

ТУЗУВЧИ: фалсафа фанлари номзоди, доцент Н.
БЕРДИЕВ.

V
>

АСОСЛАРИ
ДИНШУНОСЛИК, СОСЛАРИ КУРСИНИНГ
УЎҚУВ-ЎҚИТУВ РЕЖАСИ

авзулар номи
М Кундузги

бўлимда
маъруза
семинар

и сони	
Сиртки	
бўлимда	
маъруза	семинар
-	-
2	-
2	-
2	-
6	-

нинг предмети ва асосий И-
Дин маънавий, ижтимоий Ва
тарихий Ҳотиралар ва мохлати
Ж»Р» Динлари
Исломиётнинг асослари

жфх. аётига қириб келиши
қарор топиши
Исломиётнинг асослари
Хурфикр, 111лик вадини ари Миллий
Истилоот ва илмий аифа дунёқараи
ш-жазантир

Чурмушт 4р, игатаг да
Игпин 1л. ».

АЛҚ.-1
2 4 2
20

Иа НМн Тир? Тм? Слик АСОСЛАРИ КУРСИ-ИН1 ПРЕДМ^и ва
БАЗИФАДДРИ

У Диншунослик асослари ...
Чи, мақсад ва Жам, 10 вазифалапи УРСИНИНГ фан СИ <Р аидати пред,
*У Виждон аркинлиги м и-ЛчЪлича мочият ва мазмун 7 ласи - Унинг т УР^и жамиятларда
*Ч*Ълик асинц "Виждон б этапш ИИ, у збекистон Рес-
^рисид "Г и қонунининг 3Г1 кинЛИГИ В диний ташкилотлар ^ *Икилотлар> та бўлган
мун^абул *илинишиг^инга ва диний.
3Ч^ишиш Уи Ослик асослари? 0363 тм 11 ""! 3"^^"-с.Д тарих, социология " *урсининг
бршқа фанлар/фалса^ий алоқа^ орлиги "Даниятшунослик ва х.к./ билан

2-мавзу. ДИН МАЪНАВИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ТАРИХИЙ ҲОДИСАДИР

Диннинг моҳияти. Дин ва имон тушунчалари. Дин ижтимо-ий онг шакли, устқурмавий \одиса сифатида. Воқеликни ди-ний акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Диннинг таркиби. Диний эътиқод. Диний онг, унинг шакл-лари ва даражалари. Диний ибодат ва унинг шакллари. Диний муносабатлар ва ташкилотлар.

Дин вужудга келиши ва тараққиётининг илдизлари: а) диннинг тарихий, ижтимоий, иқтисодий илдизлари, б) дин-нинг гносеологик илдизлари, в) диннинг психологик ил-дизлари.

Диннинг функциялари: овутиш /компенсаторлик/, бир-лаштирувчилик /интегративлик/, тартибга солиш /регуля-тивлик/, алоқа боғлаш /коммуникатив/, тарбиявий.

3-мавзу. ДИННИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

Диннинг типлари: а) уруғ-қабилалар, б) миллийдин-лар, в) жаҳон динлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ибтидоий дин шакллари ва уларнинг вужудга келиши. Фе-тишизм—табиатдаги жонсиз буюмларни илоҳийлаштириш ва уларга сиғиниш. Тотемизм. Ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқа табиат ҳодисалари тотемларининг пайдо бўлиши. Жинсий ва индивидуал тотемлар. Мучал ҳисоби ва унинг тотемизм бияан алоқадорлиги. Сеҳргарлик /магия/ —одам, ҳайвон ва табиатга ғайри-табиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажарила-диган ҳатти-ҳаракатлар ва бидъаталар. Сеҳргарликнинг асосий турлари: а) бировга /душманга/ зиён-захмат етказиш сеҳргар-лиги, б.) ҳарбий сеҳргарлик, в) муҳаббат /жинс/ сеҳргарлиги, г) даволаш сеҳргарлиги, д) об-ҳаво сеҳргарлиги, е) хўжа-лик сеҳргарлиги. Бу тасаввурларнинг >'заро алоқаси. Анимизм. Жон ва арвоқ тушунчалари. Шомонизм - ўша давр руҳоний-лари бўлмиш шомонларнинг алоҳида илоҳий куч-қудратла-рига ишониш. и.шомонизмдаги диний маросимлар ва уларнинг ижро этилиши. Шомонизмда бошқа ибтидоий дин шакллари унсурларининг сақланиб қолиши. Шомонизм тараққиётининг асосий босқичлари: 1) қабилачилик шомонизми, 2) уруғ шомонизми, 3) профессионал шомонизм.

Халқ-миллий динлари. Ҳиндуийлик, унинг брахманлик динини ислоҳ қилиш асосида вужудга келиши. Ҳиндуийлик ва буддавийлик. Ҳиндуийликда бошқа динлар унсурларининг сақланиб қолиши. Ҳиндуийликнинг асосий талаблари ва маросимлари. Ведалар - Ҳиндуийлик динининг муқаддас китоби. Ҳиндуийликда кўпхудолик. Ҳиндуийликда кастачилик. Ҳиндуийликда жаннат ва дўзах, инсон ҳаёти, яхшилик ва ёмон-лик масалалари талқини. Жайнизм ва сикхизм. Жайнизмда ярим афсонавий пайғамбарларга сиғиниш. Жайнизмнинг Ҳин-дистондаги кастачилик тузумига қаршилиги. Жайнизмда "қасос" /карма/ қонуни. Нажот ва абадий жон таълимотлари. Жайнизмдаги икки асосий йўналиш: 1) дигамбарлар ва 2) шветамбарлар. Сикхизмнинг вужудга келиши ва ёйилиши. "Грантх Соҳиб" /Жаноб китоб/ -сикхизмнинг муқаддас китоби. Даосизм - фалсафий ва диний таълимот. Дао таълимоти. Даосизмда диалектика ва материализм унсурлари. Даосизмда-ги худолар. Даосизм давлат ҳокимияти ва подшо тўғрисида. Қа-ноат тўғрисидаги таълимот. Даосизм диний ташкилотининг иерархия принципи. Даосизмнинг эволюцияси. Конфуцийчилик - фалсафий, ижтимоий, ахлоқий таълимот. Унинг диний ақидага айланиши. Конфуцийчилик диний тартиблари. Конфуцийчилик динининг "Си - шу" /Тўрт китоб/ ва "У-цдун" / беш китоб/ деган муқаддас китоблари. Синтоизм - японларнинг анъанавий миллий дини. Синтоизм ва буддавийликнинг ўзаро алоқалари ва фарқлари. Иудаизм - яҳудийларнинг миллий дини. Иудаизм дини ривожланишидаги тўрт давр: а) илк давр, б) фаластин даври, в) асирликдан кейинги ёки иккинчи ибодатхона даври, г) диаспора даври. Иудаизм—монотеистик дин. Яхве - иудаизмнинг бош худоси. Подшо ҳокимиятининг илоҳийлик ғояси. Яҳудийларнинг мумтоз халқ эканлиги ғояси. Синагоғлар. "Библия", "Таврот" ва "Талмуд" муқаддас китоблари. Пайғамбарлар/Мусо, Новин, Иброҳим, Исҳоқ ва ҳ. к./ . Иудаизмнинг маросимлари ва ақидалари. Зардуштийлик. Зардушт Секитамо /милод. авв. 589-512 й. й./ - зардуштийликнинг асосчиси. Зардуштийликнинг кўп худо-чилик, яқка худочилик ва маздакизм каби кўринишлари. "Авесто" -зардуштийликнинг муқаддас китоби. Ахурамазда - зардуштийликнинг ягона худоси. Яқка худочилик шаклида-ги зардуштийликнинг асосий ғоялари, ибодатлари, анъаналари ва уларнинг буддизм, иудаизм, христианлик ва ислом динларига таъсири.

4-мавзу. ЖАҲОН ДИНЛАРИ

Жаҳон динлари тушунчаси. Жаҳон динларининг умумий хусусиятлари.

Буддавийлик. Буддавийликнинг брахманлик ўрнига вужудга келиши ва кулдорлик жамияти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши. Сиддхартха Гаутама - Будда - буддавийлик асосчиси. "Трипитака" /уч саватдонолик/— буддавийликнинг муқаддас китоби. Илк буддавийлик таълимотининг "тўрт олий ҳақиқат" да ифодаланиши. Оламнинг уч босқичли эканлиги ва нирвана тўғрисидаги ғоялар. Ҳаёт, ўлим, нажот ғоялари. Буддавийликнинг кейинчалик икки а/хинаяна ва б/мохаяна оқимларига бўлиниб кетиши. Ламаизм - мохаянанинг ҳозир-ги замондаги кўриниши.

Христианлик. Христианликнинг пайдо бўлиши, унинг Рим империясида ҳукмрон динга айланиши. Христианлик таъли-моти. "Библия" - христианликнинг муқаддас китоби. Иисус Христос /Исо/ - христианликнинг асосчиси. Христианликнинг бўлиниб кетиши. Католицизм, унинг пайдо бўлиши, диний таълимоти ва маросимлари. Ватикан - дунё католицизм черковларининг маркази. Православие, унинг таъли-моти, байрамлари, маросимлари ва ташкилотлари. Россияда христианликнинг қабул қилиниши ва унинг социал-иқтисодий оқибатлари. Православие Россия империясининг давлат дини сифатида. Рус православ черковининг ташкилий тузилиши. Ҳозирги даврда православие. Старообрядчилик. Рус православ черковининг мазҳаблари. Ўзбекистонда христианлик динига эътиқод қилишнинг тарихи ва ҳозирги аҳволи. Протестантизм - католик черковини реформа /ислох/ қилиш натижасида вужудга келган оқим. Протестантизм таълимоти, ибодати, маросимлари ва ташкилотлари. Протестантизмнинг асосий йўналишлари: лютеранлик, кальвинизм, англиканлик. Протестантизмдаги мазҳаблар: методизм, баптизм, ад-вентизм, пятидесятниклик, иегов гувоҳлари ва бошқалар. Протестант ташкилотларининг социал-сиёсий мавқелари. Ўзбекистонда православие ва бошқа христиан черков ва диний йўналишлар.

5-мавзу. ИСЛОМНИНГ ЖАҲОН ДИНИ СИФАТИДА МАДАНИЯТ, ТУРМУШ ТАРЗИГА ТАЪСИРИ

Ислом вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий, тари-хий ва сиёсий шарт-шароитлари. Арабистон ярим оролидаги кўчманчи бадавий ва ўтроқ элатлар, қабила ва жамоаларнинг ислом шаклланишидаги роли. Макка, Ясриб, Сана шаҳарлари. Ханифлар. Арабларнинг бошқа мамлакатларга босқинчилик ҳара-катлари. Араб халифатининг вужудга келиши.

Исломнинг жаҳон динига айланиши.

Ислом дини вужудга келишининг маънавий шарт-шароитлари. Исломнинг араб ва бошқа халқлардиний эътиқодлари, зардуштийлик, иудаизм, христианлик динлари билан ўзаро алоқадорлиги. Исломнинг жаҳон дини сифатида шаклланиши ва диний-теократик давлат тузумининг тарихий аҳамияти ва ижтимоий моҳияти.

Ислом динидаги асосий оқимлар ва мазҳаблар. Исломнинг VII асрда икки катта оқим: шиалик ва суннийликка бўлиниб кетиши сабаблари ва оқибатлари. Бу оқимлар ўртасидаги фарқ-лар. Исломдаги асосий мазҳаблар: хорижитлар, мутазалий-лар, карматлар, исломийлар, собийлар, ваҳҳобийлар ва ҳ.к. Тасаввуфнинг моҳияти ва йўналишлари: дарвишлик, эшон-лик, муридлик. Тасаввуф тариқатлари: яссавийлик, кубро-лик, нақшбандийлик. Ҳозирги даврда тасаввуф.

6-мавзу. ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛА-РИ ҲАЁТИГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА ҚАРОР ТОПИШИ

Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда тарихий, иж-тимоий-иқтисодий, маънавий шарт-шароитлар, ўша давр-даги мавжуд динлар. Араб босқинчилиги натижасида ислом-нинг бошқа ўлкалар халқларига сингдирилиши. Бунга қарши ҳаракатлар.

Исломнинг Марказий Осиё халқлари маънавий мадания-тига таъсири. Унинг фан, фалсафа, ахлоқ, адабиёт ва санъат, сиёсат ва ҳуқуқ тараққиётига кўрсатган таъсири. Тарихнинг муайян босқичларида уларнинг диний қобик остида ри-вожланганлиги. Марказий Осиё халқлар^аР" илғор мутафаккир-ларининг диний мутаасиблик ва клерикализмга қарши эркин-фикрлик қарашлари.

Ҳозирги шароитда исломдаги миллий маданиятни тиклаш

ва уни ривожлантириш, ундан фойдаланиш воситалари ва усуллари Ислом кадриятларини идеаллаштириш ва менси-масликнинг салбий оқибатлари. Ҳозирги даврда исломдаги фундаментализм ва экстремизм /ваҳхобийликнинг/ реакци-он моҳияти.

7-мавзу. ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЛАРИ

Ислом дини таълимотининг таркиби. Ислом диний таъ-лимотида дин ва имон тушунчалари. Исломнингуч элементи: 1)Имон. уни ташкил этувчи етти ақида: Оллоҳга, фаришта-ларга, муқаддас ёзувларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин охиратда тирилишга ишонишлар, 2) Исломнинг "дин асослари" /аркон ад-дин/ деб номаланган бешта амалий маросимчилик талаблари /калй-маи шаҳодат, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳажга бориш, 3) Эҳсон, ақидаларга сидқидилдан ишониш ва маро-симларни адо этиш, ночорларга хайр-эҳсон улашиб туриш. Ислом таълимоти ва ибодат. Ислом дини ақидаларининг жаҳон динига хос хусусиятлари. Оллоҳ ҳақидаги диний таълимот /те-оцентризм/ ва пайғамбар ҳақидаги ғоя. Муҳаммад ва ислом-нинг вужудга келиши тўғрисида. Ислом дини жоннинг ўлмас-лиги, тақдир, жаннат ва дўзах, нариги дунё ва қайта тирилиш ҳақида. Ислом ҳаёт мазмуни тўғрисида. Исломда инсон омили масаласи. Исломда дунё, олам, табиат ва жамият талқини.

Исломнинг маросимлари ва ҳайитлари. Исломдаги асосий ва асосий бўлмаган маросимлар. Суннатнинг пайдо бўлиши. Ис-лом байрамлари /рўза, қурбон байрами ва ҳ.к./. Мусулмон ди-нида таъқиқ қилиш одатлари ва уларнинг тарқалиш сабаблари.

Ислом дини манбалари. Қуръони карим, сунна /ҳадису ша-риф/, тафсирлар, фикх. «Қуръон» - ислом динининг муқаддас китоби. Қуръон тарихий манба ва адабий меросдир. Қуръон-нинг яратилиши ва тарқалиши тарихи. Қуръон вужудга келишининг диний-афсонавий ва илмий талқинлари. Қуръоннинг таркиби ва мазмуни: баҳс, ривоят, рамзий ҳикоялар, эпик сўзлар баён этилган таълимот, ақидалар, ибодат ҳақидаги дастурлар, ҳуқуқий ва ахлоқий кадриятлар. Қуръоннингўзбек ва рустил-ларига таржима этилиб нашр қилиниши. Ҳадислар, уларнинг тўпланиши ва тартибга солиниши. Ўрта осиелик машҳур ҳадис-

шунослар /муҳаддислар/: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Ибн Исо - ат-Термизий, улар тартибгасолган ҳадисларнинг аҳамияти. Шариат ва фикҳ. Ша-рият—муслмонлик қонунлари мавжуаси. Фикҳ—ислом ҳуқуқшунослиги.

8-мавзу. ХУРФИКРЛИЛИК ВА ДИНИЙ ФАЛСАФА

Фалсафий дунёқараш билан диний дунёқарашнинг ўзаро муносабатлари. Борлиқ, жамият, шахс ҳақидаги илмий таъ-лимотларнинг хурфикрлилик ва фалсафий қарашлар риво-жидаги аҳамияти.

Хурфикрлиликнинг вужудга келиши ва тараққиёт боскич-лари. Хурфикрлиликнинг тарихий шакллари: антиклерикализм, бидъатчилик, скептицизм, пантеизм, даҳрийлик. Тарихий та-раққиётнинг турли боскичларида хурфикрлилик эволюция-сининг ижтимоий-тарихий жараёнлар билан ўзаро боғлиқли-ги. Хурфикрлилик ва илмий фалсафа, оламни фалсафий би-лиш жараёни, унинг жамият маънавий маданияти, техник, технологик фаолиятлар билан узвий алоқадорлиги.

Диний фалсафанинг асосий йўналишлари. Жаҳон динла-ридаги фалсафий қарашларнинг моҳияти, уларнинг шаклла-ниши ва ривожланиши. Тасаввуф фалсафаси.

9-мавзу. МИЛЛИЙ ИСТИҚДОЛ ВА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Миллий истиқдол ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги. Маънавиятнинг тарихан қарор топиб боришида фан ва дин-нинг ўрни ва роли. Диний эътиқод эркинлигидан виждон эркинлиги томон бориш тарихий тараққиётда маънавий ҳаёт-ни барқарорлаштириш, фуқаролик жамиятининг шаклланти-риш омили эканлиги. Виждон эркинлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини бажаришнинг миллий истиқдолни мус-таҳкамлаш учун аҳамияти.

Оламнинг илмий манзарасини яратишда табиатшунослик фанларининг тарихан ўйнаб келаётган роли. Илмий-техника ин-қилобининг жадал кетишининг мўъжизаларга ишонч руҳининг сусайишига, мистиканинг чекинишига сабаб бўлаётгани.

Электроника, астрономия, биология, антропология, пси-хология каби фанларнинг оламнинг илмий манзарасини

яратишда тутган ўрни.

Илмий-фалсафий дунёқарашни шакллантиришнинг зарур-лиги. Дунёқараш эркинлигини таъминлаш жараёнида ҳар бир кишининг оламнинг илмий-фалсафий манзарасини тасав-вур қила бориши. Ноосфера ва экология тўғрисидаги таълимотлар. Диний ва илмий йўналишлардаги дунёқарашлар эга-ларининг ҳар бир жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни по-клаш учун бирлашишлэри.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 1992.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни /янги таҳрири/. - "Халқ сўзи", 1998 й 15 май

Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ватаракқиёти йўли. Тошкент, 1997.

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаш-тириш йўлида. Тошкент, 1995.

Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент, 1994.

Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, 1994.

Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотлар-ни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари - "Халқ сўзи", 1996 йил 30 август.

Беляев Б. А. Арабм, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. М., 1966.

Диншунослик асослари /проф. Абдусамедов А. И. таҳр,->ри остида/. Тошкент, 1965.

Васильев А. С. История религий Востока. М, 1983.

Жабборов И. М., Дресвянская Г. Я. Духи, святне, боги Средней Азии. Очерки по истории религии. Ташкент, 1989.

Жабборов И. М. Рухий олам: жаҳолатва камолот. Тошкент, 1988.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

Абдусамедов А. И. Социал таракқиёт ва услом. Тошкент, 1984. Аҳмад Ходий

Мақсуддий. Ибодати исломия. Тошкент, 1995. Журавский А. М. Христианство и

ислам. М., 1990. Жумабоев Й. Ўрта Осиё этика тарихи очерклари. Тош-кент, 1980.

- Ислом одоби ва маданияти. Тошкент, 1995.
- Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1981.
- Ислам динининг асослари. Тошкент, 1991.
- Ислам. Справочник. Ташкент, 1989.
- Имом Исмоил Бухорий. Ҳадис. I, III, IV қисмлар. Ал-Жа-миъ ас-соҳих/ишонарли тўплам/. Тошкент, 1991-1992.
- Имом Термизий. Шамойилий МуҲаммадийя. Тошкент, 1991.
- Имом Исмоил Бухорий. Ал-адабал-муфрод. Тошкент, 1990.
- Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Тошкент, 1991.
- Каримов И. Имон ва инсон. Тошкент, 1991.
- Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржимаси. Тошкент, 1992.
- Мухтасар/Шариат қонунларига қисқача шарҳ/. Тошкент, 1992.
- Бобохонов Ш-, Ирисов. А. Ҳадис илмининг пешволари. Тошкент, 1992.
- Пиотровский М. Б. Каранические сказания. М., 1991.
- Одилқориев Х. Қонун, виждон эркинлиги ва дин. Тошкент 1998.
- Ортиқов А. Виждон эркинлигининг конституцион гаран-тияси. Тошкент, 1991.
- Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент. 1995.
- Снесаров Г. Т. Реликтм домусульманских верований и об-рядов у узбеков Хорезма. М., 1969.
- Хўжамуродов И-Р. Ислом, миллийлик, қадрият. Тошкент, 1993.
- Ўрта Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан. Тошкент, 1990.

ТУЗУВЧИЛАР: Фалсафа фанлари номзоди, катта ўқитувчи У.
МУСТАФОЕВ, фалсафа фанлари номзоди, доцент Х.
ХУДОЙБЕРДИЕВ, Фалсафа фанлари номзоди, катта ўқитувчи А.
РАҲМОНОВ.

Министерство высшего и среднего специального образования Республики
Узбекистан
Термезский государственный университет

Кафедра этики, эстетики и истории религии

**УЧЕБНО-РАБОЧИЕ ПРОГРАММЫ
КУРСОВ ЭТИКИ, ЭСТЕТИКИ,
ЛОГИКИ И РЕЛИГИОВЕДЕНИЯ**

Термез-2000

